



IV ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САЊАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестивал қатнашчилари, мухтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, азизларни очик осмон остидаги бетакор музей шаҳар — қадимий Хивада ўтказилаётган IV Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги санъат байрамида иштирок этаётган нуфузли халқаро ташкилотлар ва қардош мамлакатлар вакилларига, дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан келган халқ ижодиёти намояндалари, атоқли маданият ва санъат арбобларига самимий ташаккурим, юксак хурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Саховатли Ўзбекистон заминига, кўҳна Хоразм диёрига хуш келибсиз!

Қадрли дўстлар!

Халқаро нуфузи тобора ортиб бораётган мазкур анжуман бу йил кўҳна Шарқ гаҳари — бетакор Хоразм диёрида ўтказилаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда. Бу ўлканинг дostonчилик мактаби ғоят қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, “Лазги” каби дунёга машхур мумтоз куй-қўшиқлари, гўзал рақслари айнан ана шу азим дарёдан озиқланиб келмоқда, десак, тўғри бўлади.

Бу култур заминдан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ бахшилари “Бола бахши” — Қурбонназар Абдуллаев, “Қаландар бахши” — Рўзимбой Норматов, Абдулла Қурбонназаров, Етмишбой Абдуллаев каби ёрқин овоз ва истеъдод соҳиблари

томонидан юксак пардаларда куйланган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тўрўғли”, “Авазхон”, “Алпомиш” ва “Хирмондали” каби халқ дostonлари миллий маданиятимизнинг ўлмас дурдоналари сифатида маънавиятимиз хазинасидан мустаҳкам жой эгаллаганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз ва бахшичилик санъатининг бугунги давомчиларига ижодий ютуқ ва равақ тилаймиз.

Хурматли фестивал иштирокчилари!

Фестиваль кунларида сизлар санъатни чин дилдан севадиган меҳмондўст, бағрикенг халқимиз билан самимий мулоқотлар ўтказиб, юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва безавол қадриятлари, табаррук масканлари, Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт ютуқлари, жумладан, бахшичилик санъатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ёрқин таассуротларга эга бўласиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, танлов иштирокчилари ҳамда фестивал доирасида ўтказилаётган халқаро илмий-амалий конференция ишига муваффақият тилайман.

Энг эзгу ва халқчил ҳис-туйғуларни тараннум этишда сизларга сизат-саломатлик, куч-ғайрат ва илҳом доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Халқаро фестиваль Ўзликни топиш йўли: алпомишдан ҳомергача



Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Халқаро бахшичилик санъати фестивалини кенг миқёсда ўтказиш анъанага айланди. Шу вақтгача фестивал Термиз, Нукус, Гулистон шаҳарларида халқаро миқёсда, юксак мақомда ўтказилди. Бу йил ушбу халқаро фестивалга Хива шаҳри мезбонлик қилмоқда. Зеро, қадимдан кўҳна Хоразм худудида бахшичилик ва халфачилик анъанаси ривожланган. Бугун ҳам ушбу қадрият асраб-авайлаб келинмоқда. Бунда, албатта, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, умуман, юртимизда ўзликни англаш, номоддий маданий меросни асраб-авайлашга қаратилган ишлар муҳим ўрин тутмоқда.



Тан олиш керак: глобал жамиятларда эпик анъана тамоман сўниб ёхуд сусаиниб бормоқда. Шундай бир ҳолатда юртимизда бахшичилик, жировлик, оқинлик, халфачилик санъати нафақат сақлаб қолинаётгани, балки халқаро миқёсдаги фестивал ҳамда илмий анжуманлар ўтказиш орқали кенг тарғиб этилаётгани катта ҳодиса. Зеро, эпик тафаккур ривожланган мамлакатлар орасида ўз ўрнини топаётган, кундан кунга янгидан-янги қиёфа касб этиб, юксалиб бораётган ватанимизнинг бугунги шиддати ва келажакни белгилаб беради.

аҳамияти қандай? Бугун нима учун халқ озгаки ижодини, хусусан, бахшичиликни кенг тарғиб этиш керак?

Бахши деганда хорижда кўпроқ Хомер тилга олинади. Унинг бахшичилигини америкалик олимлар М.Перри ва А.Лорд рад этиб бўлмас далиллар билан исботлаган. Бироқ фольклоршуносликдаги кўп назарий масалалар олдинги — Хомер индивидуал ижодкор, шoir сифатида ургулган давр билан боғлиқ ҳолатда қолиб келмоқда. Оқибатда фольклоршуносликдаги айрим назарий масалалар ҳанузгача ўз ечимини кутиб турибди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: бахши ким, унинг дунё эпосидаги ўрни ва

➤ **Давоми 6-бетда**

ГЛОБАЛ ТЕБРАНИШЛАР ДАВРИДА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

Долзарб мавзу

Бугун глобал сиёсий-иқтисодий жараёнлар тобора кескин түс олмақда. Мазкур ҳолат, яъни йирик давлатлар ўртасидаги иқтисодий зиддиятлар бутун дунёга, жумладан, юртимизга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлат, халқ ўз стратегиясини аниқ белгилаши ва миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши лозим.

Дунё аввалгидек эмаслиги бор гап. Айни пайтда минтақавий ва глобал миқёсда иқтисодий-сиёсий барқарорлик тобора йўқолиб бормоқда. Халқаро савдо майдонлари, илгари ишончли дейилган институтлар энди ўз функцияларини тўлиқ бажара олмапти. Бундай вазият табиий равишда давлатлардан ўз стратегиясини қайтадан кўриб чиқиш, янгича ёндашувлар билан ҳаракатланишни талаб этмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 18 апрель кунини дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг мамлакатимиз соҳа ва тармоқларига таъсирини юмшатиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши айнан мана шу кескин геoiқтисодий муҳитда



Ўзбекистон қандай йўл танлаётганини аниқ ифода этди. Бу йиғилишда давлатимиз раҳбарининг олдиндан стратегик таҳлил қилиш қобилияти ва глобал иқтисодий ўзгаришларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсирини

чуқур англаган ҳолда ўз вақтида зарур чораларни кўришдаги салоҳияти яна бир бор намоён бўлди.

Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, стандартлар ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш,

рақобатбардорлиқни мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, ички бюрократия ва коррупцияга қарши кураш йўналишлари алоҳида муҳокама қилинди.

➤ **Давоми 2-бетда**

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

“НАФСИНГ СЕНГА ТОБЕ БЎЛСА, ИНСОНСЕН...”

ЁХУД КОРРУПЦИЯ – ИСЛОҲОТЛАР КУШАНДАСИ

Кўҳна тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мутафаккирлари маданият, маънавият, маърифат, тарбия масалаларига ҳар доим алоҳида диққат ва эътибор билан муносабатда бўлган. Чунки ҳар қандай инсоннинг энг асосий моҳияти унинг иқтисодий имкониятларию тўлаб кўйилган мол-мулклари билан эмас, аксинча, маънавияти, энг аввало, тарбияси, тарбияланганлик даражаси билан ўлчаб келинган.

Ўзбек халқи миллий-маданий мероси, ижтимоий ҳаёти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда узоқ минг йиллар давомида миллий тарбиянинг мукамал тизими яратилганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун бундай тарбия тизими бошқа кўплаб халқларни доимо ҳайратга солиб келади. Унда адолат, ҳақиқат, инсоф, гўзаллик, ҳалол меҳнат, ризқ-рўз, саховат, ҳиммат, олижаноблик, сабр-тоқат, қаноат, умид, ваъдага вафо, яхшилик, шукроналик, ширинсўзлик, дўстлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик каби юзлаб ижобий сифатлар ҳаётий маъносини топган.

Кимки ўзида ана шу хислатларни қарор топтирган бўлса, унинг ҳаёти турли

бало-қазолар, иллатлардан холи бўлиб, тинч, фаровон ва бахту саодат оғушида яшайди. Демакки, шахсни камолот пилла-посяига олиб чиқувчи инсоний фазилатлар халқимизнинг асрий ва боқий тарихига бориб тақалади.

Давлатнинг одилона ва оқилона сиёсати

Гапни узоқдан бошлашимизнинг боиси бор. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг шу йил 5 март кунини бўлиб ўтган йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада амалга оширилаётган ишлар, қўлга



киритилаётган ютуқлар тўғрисида аниқ маълумотлар берди. Айниқса, коррупцияга қарши умумхалқ ҳаракатини тартибга солиш бўйича махсус тизим яратилгани, парламент палаталарида масъул кўмиталар, энг муҳими, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва агентлик ташкил этилгани бу борадаги дадил қадамлар экани таъкидланди.

Мана шундай тарзда илк мартаба йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши курашнинг янги босқичга чиққани, қолаверса, мазкур иллатни таг-туғи билан йўқ қилишдан иборат стратегик йўл танланганидан дарак беради. Масаланинг ўта муҳимлигини эътиборга олиб, ушбу иллатни тўлиқ бартараф этишга йўналтирилган 55 та мақсад белгиланди, 5 та қонун, 12 та фармон ва қарор ишлаб чиқилиши лозимлиги қайд қилинди.

Бундай тадбирлар, шубҳасиз, жамиятни янада ривожлантиради, барқарорлаштиради, халқимизнинг давлатга ишончини тобора оширади. Аммо бугунги кунда трансмиллий мазмунга айланиб бўлган коррупция ҳар қандай мамлакат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказиб, иқтисодий тараққиётни издан чиқарадиган, қонун устуворлиги ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини пайсаттирадиган, демократик институтлар ривожига ҳалақит қилувчи хатарли умумбашарий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда.

➤ **Давоми 3-бетда**

ТОШКЕНТ — ХОРАЗМ: 10 ТА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Хорижлик сайёҳлардан ёки Ўзбекистонни саёҳат қилиш истагидаги яқинларимдан бири юртимизнинг диққатга сазовор манзилларини сўраса, биринчи бўлиб дунёга сайқали рўйи замин (ер юзининг сайқали) Самарқанд, куббатли ислом (ислом динининг маркази) Бухоро ҳамда “очик осмон остидаги музей” Хива шаҳарларини санайман. Менимча, ҳар бир ватандошнинг ҳаёлига даставвал шу учта тарихий шаҳримиз келади. Чунки бу ерларга бир марта борган одамнинг қайтгиси келмайди. Гўёки бошқа бир замонга, сайёрага тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини.

Аммо Хивага боришни тавсия қилганимда, кўпчилик пойтахтдан қанча узоқ эканини сўрайди. Чамаси 1 минг 100 километр эканини айтсам, “эх-ҳе” деб ўйга толиб қолади ёки дарров самолётнинг кейинги рейси қачонлиги билан қизиқади. Мен эса “Ҳақиқатда саёҳат қилмоқчи бўлсанг, поезд ёки автойўл орқали бор. Йўлнинг ўзидан ҳам олам-олам таассурот оласан”, дея маслаҳат бераман. У эса:

— Кўйсанг-чи, поездда шундан шу ёққа бориб бўладими, — дейди.
— Қизилқумнинг бепоеён чўллари кесиб ўтмай, Амударё ҳавосидан тўйиб нафас олмай, Хивага бордим деб бўладими, — дея кўндиришга уринаман.

Лекин кўпчилик йўл узоқлиги, транспорт нуқуллайлигини айтиб, Хивага боришни кечиктиради.

➤ **Давоми 2-бетда**

БАҒРИКЕНГ ЖАМИЯТ – БАҒҚАРОР ДАВЛАТ

УШБУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАҒҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Юртимизда диний соҳада давлат сиёсатининг такомиллашуви, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги кафолатланиши ва диний соҳага оид масалаларнинг ҳуқуқий асосда ҳал этилиши борасида туб бурилиш юз бермоқда. Бу борада илгари сурилган концептуал ёндашувлар нафақат мамлакат ичида, балки халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда.

бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини амалда рўёбога чиқаришга интилаётганини яққол намоян эди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги қарори билан Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилган эди.

Бугун дунёда диний экстремизм ва терроризм таҳдиди кучайиб бораётгани кузатишда. Бу ҳолат кўпга келган жамиятларда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Радикализм ва экстремизмнинг асосий сабабларидан бири диний саводсизликдир.

Шу маънода, фармонда жамиятда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқароларро тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Бағрикенг жамият — барқарор давлат” тамойили асосида Дин ишлари бўйича қўмита билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг янги ҳамкорлик тизими йўлга қўйилиши белгилангани айтиш мумкин. Диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифа ва принципларини қатъий амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, жамиятда турли диний конфессиялар вакиллари ўзаро аҳил-инок ва ҳам-жиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш устувор вазифалар сирасига киритилди.

Аҳолининг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбога чиқара олишини таъминлаш, динга муносабатидан келиб чиқиб устулик бериш, камситиш ва виждон эркинлиги кафолатлари бузилишининг бошқа ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш янги ҳамкорлик тизимининг асосий вазифалари сифатида қайд этилди.

Фармонда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси сифатида қайта номланиши, академия ҳуқуқлари аниқ белгиланиши ва шу каби соҳага оид барча ислохотлар ҳаммаси бирдек қувонтирди. Чунки академия исломшунослик ва диншунослик соҳаларида мутахассислар ҳамда ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларни тайёрлашга ихтисослашган таянч давлат

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди.

Шу билан бирга, академиянинг асосий вазифалари этиб қўйилган белгиланмоқда:

— исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, ислом иқтисодиёти, манба-шунослик, халқаро муносабатлар ва эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш;

— таълим жараёнига илгор педагогик технологияларни, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш;

— виждон эркинлиги ва конфессияларо бағрикенгликни таъминлаш, радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосларига оид илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

— диний-маърифий йўналишда илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет тармоғида таълим ресурсларини жойлаштириш ва мунтазам янгиллаб бориш;

— талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш;

— мамлакатимиз ва хорижда диний соҳада фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Кейинги йилларда Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган, улар Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида эди. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳузурида фаолият юритаётган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам бошқа тадқиқот марказлари сингари Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилди. Бу ҳам марказда амалга ошириб келинаётган кенг қўламдаги илмий ишларнинг янада юқори савияда яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси профессори,
тарих фанлари доктори

Нуктаи назар

Халқимизда ҳаммаси ниятга яраша бўлади деган гап бор. Аксариятимиз турмуш ёки иш билан боғлиқ жараёнларда ушбу ҳикматнинг маъзани чаққанмиз, албатта. Яъни шу кунгача эришган барча мақсаднингиз ва амалга ошмай қолган режаларингизни алоҳида томонларга ажратиб таҳлил қилсангиз, ютуқларингиз асосида қатъий ишонч ва шунга яраша ҳаракат бўлганини кўрасиз. Аксинча, эриша олмаганларингизга иккилини, ишонсизлиги сабаб эканини англайсиз. Бу ўринда ниятга ярашалик моҳияти шундаки, бирор иш ёки мақсадга эришиш учун қатъий бел боғлаб киришсангиз, албатта, урдасидан чиқасиз.

ИШОНИНГ, ДАБДАБАСИЗ БАХТИНГИЗ КАМ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ

Бу ҳикмат кўпга келган тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топган. Масалан, бирор инсон айтиб қолган тасовирга чўч босилишига ишончи қомил бўлса-ю, унга кўрсатилган ҳолда чўг ўрнига муз босилса ҳам қўйиш ҳиссини туйиши мумкин. Ахир муз ўз номи билан совуқлик бўлса, қандай қилиб қуйдириши мумкин, унда бундай ҳусусият йўқ-ку, дейишга шошилманг. Инсон психологиясидаги ишонч шу қадар катта таъсир кучига эга, реаликдан йироқ бирор нарсаднинг акси бўлишига қаттиқ ишонсангиз, шу ҳодиса юз беради.

Қандай қилиб дейсизми? Ҳудди яқинда бўлиб ўтган ўсимлар ўртасидаги Оснб кубоги финалида Саудия Арабистони ва Ўзбекистон U-17 терма жамоаси ўртасида кечган баҳсдаги каби. Мантиқан олиб қаралганда, ўйиннинг иккинчи бўлимида жамоамизнинг голиб бўлиш имконияти деярли нолга тенг эди. Чунки биринчидан, рақиб жамоа биздан 2 киши кўп эди. Иккинчидан, рақиб мезбон жамоа ва финалга қадар етиб келганидан кучсиз эмаслигини англаш қийин эмас. Қолаверса, ўз майдонидидаги ҳар қандай ўйин мезбон футболчиларга устулик беради.

Шунга қарамай, жамоамиз голиб бўлди. Рақибимизнинг чемпион бўлишига доир мантиқий асослар чил-чил синди. Чунки

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг шу йил 5 мартдаги йиғилишида бу борада устувор вазифалар белгиланган бўлса, 21 апрель кун Президентимиз айтиб йиғилишдаги вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизимни жорий этиб, ушбу масалага жамоатчилик, парламент ва фуқаролик жамияти институтларини кенг сафарбар этиш мақсадида иккита муҳим ҳужжатни имзолади. Улардан бири “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон бўлса, иккинчиси “Давлат органилари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарордир.

Психология соҳасидаги 10 йилдан ортиқ фаолиятим мобайнида турли-туман характер, дунёқарашга эга одамлар билан ишлашга тўғри келган. Айтиш мумкин, бу ҳам “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психолог сифатида юртдошларимиз билан доимий мулоқотдаман. Демакчи бўлганим, мазкур фармон ва қарор, умуман, коррупцияга қарши кескин курашга сафар-

Биргина тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни олайлик. Психолог сифатида айтишим мумкинки, тўй ва маросимларимизда кимўзарга, дабдаба, кўз-кўз учун қилинаётган харажатларимиз кўпчилигимизни қарз ботқоғига ботирапти. Бошқача айтганда, коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган вазият яратилди. Ваҳоланки, ушбу тадбирларга сарфлаётган харажатимизнинг асосий қисми ортқча ва аслида, умуман зарарлидир.

Долзарб мавзу

ГЛОБАЛ ТЕБРАНИШЛАР ДАВРИДА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

Бошланиши 1-бетда

Баъзи йирик давлатлар халқаро савдо қондаларини ўзгартириш, бозорларга босим ўтказиш орқали глобал иқтисодий тартибни ўз манфаати йўлида бўйсундиришга уринмоқда. Айниқса, Ўзбекистон экспорт қилаётган калава ип, тайёр маго, машиний техника ва озиқ-овқат маҳсулотлари кириб бораётган бозорларга катта давлатлар ўз маҳсулотлари билан тажовузкорона кириб келмоқда. Бу эса бизни янада рақобатбардош бўлишга ундайди.

Бундай вазиятда “бизга таъсир қилмайди” деб ўтириш — энг катта хато. Дунё бозорларида 3,5 триллион долларлик қиққариш, инфляция 8 фоизга кўтарилгани, молия бозорининг триллион долларлик йўқотишлари — булар бевосита бизга ҳам таъсир қилмоқда ва қилаверади.

Президентимизнинг сўзларида бир муҳим ҳақиқат бор: энди фақат ўзимизга таянмас. Импортуга қарамликни камайтириш, ички ресурслардан имкон қадар фойдаланиш, ишлаб чиқарувини қўллаш, эскирган стандартларни йўқ қилиш — буларнинг



барчаси вақт талаби. Чунки ташқи хавфлар, ички бюрократия ва коррупция катта таҳдидга айланмоқда.

Сут, гўшт, болалар озиқ-овқати, яхна ичимликлар, ҳатто оддий мопед — буларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш йўлида

ортқча талаблар, кераксиз сертификатлар тўсиқ бўлмоқда. Шунингдек, инвесторлар ва экспортчилар хорижий бозорларга чиқа олмаётганининг асосий сабаби халқаро талабга жавоб бермайдиган лабораториялар, сертификат тизимининг номуносивлигидир.

Давлатимиз раҳбари айрим масъулларнинг масала жиддийлигини ҳали ҳам англаб етмаётгани, режасиз, масъулиятсиз ҳамда сууст ҳаракат қилаётганини кескин танқид қилди. Энди ҳар бир раҳбар ишлаб чиқариш ва экспорт билан шахсан шугулланиши шартлигини қайд этиб ўтди. Хусусан, тадбиркорни тинглаш, фаолиятига йўл очиш бугунги раҳбарликнинг энг муҳим мезонига айланиши кераклигини айтди.

Дунё ўзгараётган бир вақтда биз ҳам ўзгаришга мажбуримиз. Геосиёсий нотинчлик, глобал босимлар биз учун сигнал. Бу таҳдид эмас — имконият! Ҳозир Ўзбекистон ўзининг “компакт иқтисодиёти”ни мувозанатли, рақобатбардош ва мустаҳкам таянчларга қуришининг айтиш мумкин. Ҳар бир раҳбар, тадбиркор ўз ишига масъулият билан ёндашиши, геосиёсий шамолларга қарши барқарор тура олиши зарур.

Мазкур йиғилиш ва унда белгиланган берилган вазифалар Президентимизнинг глобал ўзгаришларга мослашган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасидаги қатъий ва узоқни кўзлаган сиёсатини яна бир бор тасдиқлади. Эеро, давлатимиз раҳбарининг бундай стратегик ёндашуви Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Шундай экан, бу ислохотлар — келажак авлод олдидидаги масъулият, виждон иши. Бугун қилинадиган ҳар бир ислохот, ҳар бир ўзгариш эртанги кунимиз учун тамал тошидир.

Баҳодиржон МАМАТХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

саудиялик рақибларимизнинг хотиржамлигини давом эттириш ишончи, ўша ишонч инъом этган куч, қатъият устуен келди.

Аслида, мутахассислик нуктага назаридан футболни яхши тушунмайман, фикр юришмоқчи бўлган мавзумиз ҳам бу ҳақда эмас. Гап инсон, жамиятда ишонч, унинг куч-қудрати, турмушимиз фаровонлиги, иқтисодиётнинг барқарорлигига таъсири тўғрисида.

Ҳа, ишонч катта таъсирга эга. Буни ҳаммамиз кейинги йилларда мамлакатимизда кечяётган янгиланиш жараёнлари, халқлик ислохотлар самараси мисолида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Бинобарин, бундан 7-8 йил аввал қишлоқларимизда боғчалар очилиши, олий маълумот олиш имкониятининг бугунгидек кенг бўлиши, раҳбарлар хонадонимизга келиб, муаммомизни ўрганиши ва ечим бериши, банк ёки давлат хизматларидан уйдан чиқмасдан туриб фойдаланишимиз каби кўпга келган ўзгаришларни тасаввур қила олармидик? Жамиятимизда ислохотларга ишонч, дахлдорлик орта бошлашга, нафақат бу каби кўп йиллик оғрикчи масалаларимизга ечим топилиди, балки янада яхши, фаровон яшашимиз учун янги ва катта мақсадлар пайдо бўлмоқда. Ўз навбатида, уларнинг амалга ошириши ҳам ҳар биримиз, жамиятдаги ишончнинг нақадар мустаҳкам эканига бевосита боғлиқ. Шу жумладан, бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўламда кураш олиб бораётган коррупция иллатини илдизи билан қўпириш ҳам.

Ҳақиқатан, коррупция бугуннинг энг долзарб масалаларидан. Чунки у жамиятда ишонсизлик муҳитини юзага келтирадиган гоят зарарли иллатдир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ва гов.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда бу иллатга қарши кескин курашилмоқда.

барлик ўз вақтида эълон қилинди. Боиси, ҳужжатларда белгиланган ҳар бир вазифа коррупцияни келтириб чиқарувчи илдизни қирқтиш, таг-томри билан йўқотиш, яъни бу иллатнинг оқибатлари билан эмас, келтириб чиқараётган сабаблар билан курашишга қаратилгани учун ҳам гоят аҳамиятлидир.

Масалан, биргина тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни олайлик. Психолог сифатида айтишим мумкинки, тўй ва маросимларимизда кимўзарга, дабдаба, кўз-кўз учун қилинаётган харажатларимиз кўпчилигимизни қарз ботқоғига ботирапти. Бошқача айтганда, коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган вазият яратилди. Ваҳоланки, ушбу тадбирларга сарфлаётган харажатимизнинг асосий қисми ортқча ва аслида, умуман зарарлидир. Ахир коронавирус пандемияси даврида 40-50 киши билан ҳам тўйларимиз ўтди-ку. Шу билан қайси биримизнинг бахтимиз камайиб қолди? Ҳеч биримизнинг!

Шу маънода, фармон билан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибда солиш бўйича Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгилангани айтиш мумкин.

Ишонинг, дабдабасиз бахтимиз кам бўлиб қолмайди. Яна ишончингиз қатъий бўлсинки, агар бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқдан бош чиқариб коррупцияга қарши курашсак, илдизини қуритсак, бундан нафақат биз, балки келажак авлодларимиз ҳам мислсиз манфаат қўради.

Назокат ЖОНИЕВА,
Шаҳрисабз туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи

ТОШКЕНТ — ХОРАЗМ: 10 ТА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Бошланиши 1-бетда

Юқоридидаги ҳаётини мисолдан ҳам кўринадик, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини оширишда йўл инфратузилмаси ривожлангани, йўловчи транспортларнинг замонавий ва қулайлиги муҳим ўрин тутди. Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича жорий йил 9 апрель кунни ўтказилган видео-селектор йиғилишида юртимизнинг қадим тарихи, ўзига хос маданияти ва гўзал табиатини намойиш этадиган манзилларнинг йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича алоҳида топшириқ берди. Бу йўналишда халқаро молия институтлари билан янгича тизимда ишлаш катта натижа бераётганини қайд этиди.

Кейинги йилларда шаҳарлараро самолёт, поезд ва автобуслар қатнови кўпайиб, янада қулайлашди. Йил сайин янги замонавий поезд, вагонлар харид қилиниб, маҳаллий аҳоли, хорижий сайёҳларнинг оғири енгил, узоғи яқинлаштирилмоқда.

— 2025-2026 йилларда янгича дизайн ва услубдаги, шинам, барча қулайликларга эга бўлган 70 та замонавий йўловчи вагон хариди учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси томонидан имтиёзли кредит линиялари асосида маблағ ажратилган, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси Рустам Ҳайдаров. — Хусусан, ушбу вагонларнинг биринчи 10 тасини фойдаланишга топширдик. Шулардан 4 таси плацкарт (ҳар бири 54 ўринли), 4 таси купе (ҳар бири 36 ўринли) ҳамда 2 та СВ (ҳар бири 18 ўринли) турлида вагонлардир. Улар бир



вақтнинг ўзига Хивага борувчи 396 йўловчига хизмат қилмоқда. Икки йил ичида 70 та вагон йўловчилар хизматига топширилди. 1 миллиондан ортиқ йўловчининг замонавий, шинам ва хавфсиз вагонларда манзилига етказиб қўя оламиз.

Олис йўл отни синар деганларидек, замонавий вагонлар халқимиз узоғини яқин қилади, йўл азобини енгиллаштиради. Юртимиз чиройини томоша қилиб, қулай

вагонларда ҳордиқ чиқариб, манзилига қандай бориб қолганини сезмай ҳам қолади. Бу имкониятлар ҳудуднинг туризм салоҳияти янада орттишига хизмат қилиш билан бирга, юртдошларимизнинг Ўзбекистон бўйлаб сەҳаёт қилишига янги рағбат бўлиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

“НАФСИНГ СЕНГА ТОБЕ БЎЛСА, ИНСОНСЕН...”

ЁХУД КОРРУПЦИЯ — ИСЛОҲОТЛАР КУШАНДАСИ



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

“Коррупция фақатгина жиноят ва ҳужуқбузарлик эмас, балки ахлоқий бузуқлик ҳамдир. Шунинг учун коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф вилдони инсоннинг демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик, Конституция ва қонунларни чинакам маънода ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга”, деб ёзди давлатимиз раҳбари “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” китобида.

Бугунги кунда давлат барча йўл ва воситалар билан бўлса-да, одамларнинг давлатдан розилигига эришиш борасида кенг қўламли ишларни олиб бормоқда. Мамлакатда демократик, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари бўйича халқро меъёр ва тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт кечирини ташминлаш йўлида жиддий тадбирлар амалга оширилмоқда. Барпо этаётган янги Ўзбекистон моҳиятини “Давлат — инсон учун”, “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат”, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши зарур”, “Одамлар ташвиши билан яшаш” каби муҳим, авваллари ҳар биримиз орзу қилган тамойил ва ғоялар ташкил этмоқда.

Бирок барпо этмоқчи бўлган ва бугун бу боранда мисли қўрилмаган ютуқларга эришганимизга қарамай, ҳали коррупция ҳолатлар мавжуд. Жамиятда коррупция ҳолатлари пайдо бўлишига жуда кўп омиллар сабабчи эса-да, халқона тилда айтганда, бу жараёнда “нафс балоси” энг етакчи, устувор ўринга эга бўлмоқда.

Ижтимоий тармоқларда берилётган хабарларга кўра, деярли ҳар кун айрим катта ва кичик раҳбарларнинг турли даражада коррупция ҳолатларига аралашиб қолиши жамиятда эътирозлар юзга келишига сабаб бўлмоқда. Бу юқумли касалликнинг давоси йўқдек. Қолаверса, баъзи коррупционерлар эгаллаб турган лавозимнинг ўзи жуда катта мансаб, мартаба, ўша юксак мансабларни сунистеъмол қилиш Президент ва халқ ишончилигини йўқолишидан дарак эканини билмайдими?

Жисмоний ёки ҳиссий талаб ифодаси

Фикримизнинг узвий давоми бевосита “нафс” сўзининг луғавий маъносига бориб тақалади. Бу сўзни асосан, инсонларга нисбатан қўлаймиш. Аммо ҳайвонга, ўсимликка нисбатан ишлатилиш ҳолати ҳам учрайди. “Нафс” сўзи, устоз Алийбек Рустамий бағнига кўра, кишининг жисмоний ёки ҳиссий талаблари, ҳолатларини қондиришга бўлган интилишидир. Бу сазъ-ҳаракат оқибатида ахлоқ доирасини босиб четга чиққан кишини “баднафс” (нафси ёмон) ёки “нафсини тиелмаган одам”, деб атайдилар.

Бундайларга яқинлашмаслик чорасини кўрган маъқул. Чунки баднафсдан яхшилик куттиш нодонликнинг ўзгинасидир. Бунинг муқобилдагилар эса, ақсинча, “некнафс” ёки “нафсини жилволаган киши” дея шарафланади. Улар диний таълимотда “нафсига зулм қила олувчи банда” дейилади. Ҳайвонда ақл бўлмагани сабабли унинг нафсини гариза, яъни инстинкт идора қилади. Шу боис, ҳайвон ўз нафсини турли йўллар, ҳаттоки таъжовуқкорлик билан ҳам қондиради. “Нафсини тия олиш” тушунчаси шу ўринда инсон билан ҳайвонни бир-биридан фарқлаш имконини беради.

Ким ўз нафсига ҳукмронлик қила олмаса, “Бу одамда ҳайвоний иллатлар устун”, дея таъриф бериш мумкин. И.Крилов масали обр-разини — бўри нафсининг қурбонига айланган кўзичоқни биланми. Ўзгага айланган жониворга раҳимисиз келади, аммо уни йиртқиш чангалдан қўтаришига ожизмиш.

Нафсни жилволашнинг уч шарт

Нафсини тийиш мумкинми, деган азалий савол ҳар қайси даврда кўндаланг турган. Аммо бу ўта мураккаб, жуда қийин жараён. Чунки бу иллат одами ўз домига худди охарибадек тортиб туради. Бунга қарши курашиш ҳаттоки мумкин эмасдек туюлиши мумкин. Тўғрироғи, нафс балосига қаршилиқ кўрсатиш, уни илдири билан кўпориб ташлаш учун инсондан катта куч, билим, мардлик талаб этилади. Бошқача айтганда, ўз нафсини ентган киши аслида ўзини ўзи ентган жасоратли инсондир.

Нафс ва инсон табиати масалаларини мунайян даражада ўрганиб, у бўйича қатор асарларини ўрганган тадқиқотчи сифатида қайд этиб ўтмоқчиманки, бу салбий ҳодисани

жамият ҳаёти, кишилар онги ва руҳиятидан чиқариб ташлашда ижтимоий фойдали меҳнат, эл манфаатини ўзиникидан устун қўйиш, илмпарварлик катта роль ўйнайди. Бунинг бирма-бир асослаймиш. Қўлида бирор касб-хунари бўлган киши ўз меҳнати орқасидан келган даромадга сабр-қаноат қилади, бунинг ўзгаларга қай даражада манфаати тегишини ҳам билади. Демак, у ўз манфаати билан халқи, давлат манфаатини узвий боғлиқ ҳолда тасаввур қилади. Аксарият илмпарвар кишилар нафс домига илдинининг охири фожи билан туташини кўплаб адабиётларда ўқигани боис, унинг кетидан қувмайдилар, бориға шукр, йўғига қаноат қилади.

Дарҳақиқат, инсоннинг энг катта душмани бўлган нафс ана шу омиллар натижасида барта-раф этилишини ҳеч бир киши инкор этолмайди. Мазкур омиллар бевосита мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар билан боғлиқ кетишини яна бир қарра эслатиб ўтмоқчимиз. Меҳнати орқасидан улугланаётган замондошларимиз жуда кўп, улар катта ислохотлар жараёнида ўз ўрнини аниқ белгилаб олган. Ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш учун яратилган намунали имконият ва шароитлардан унумли фойдаланаётган миллионлаб юртдошларимизнинг ҳалол меҳнати натижасида иқтисодий барқарорликка эришаётганимизни факт ва рақамлар, таҳлилий маълумотлар яққол тасдиқлаб турибди. Жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишлари узоқ келажакка мўлжаллангани учун ҳам юртимизда барқарорлик, оқилоллик ҳукм сурмоқда.

Мутафаккирлар мулоҳазасига кўра...

Нафс балоси бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. У инсоний пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Мутафаккирларимиз нафсга душманларнинг душмани, энг катта жинояткорга бошловчи иллат сифатида қараган. Шайх Саъдий бундай дейди: “Нафс тизгинини нопокликдан қайтарувчилар, ярамас ишлардан сақланувчилар мардлик ва баҳодирликка Наримон ва Рустам Золдан юқори турадилар. Чунки нафс билан курашиш, у билан жанг қилиш бошқа душманлар, замонавий қурол-яроғлар билан жанг қилишдан қийинроқдир. Сен илму адабни қўлга ол, адаб сурисин билан душманинг нафс бошига ур, инсоннинг нафсидан катта душмани йўқдир. Агар сен ақл ва фикр эгаси бўлсанг, ҳадеб нафсининг орзусига йўл бераверма. Агар нафсининг ҳамма орзусини бажо этсанг, уни семиртирсанг, у сени бир кун ҳалокат чуқурига ташлайди”.

Нафс инсон эрки билан боғлиқ. Уни жилволай оладиган ҳар қандай инсон етук шахс ҳисобланади, ўз эҳтиёжидан ортиқча нарса — моддий неъмат, бойликлар уни мутлақо қизқирмайди. Бориға шукр қилган, ўз нафсини жилволай олган инсон, энг аввало, ўз олдига, қолаверса, бутун жамият олдига мағрур ва ҳалол. Алишер Навоий бундай дейди: “Нафсинг сента тобе бўлса — инсонсен, ақсинча, юз минг киши сента тобе бўлса, сен нафсингга тобе бўлсанг — инсон эмассан”. Ал-Фароқ Абу Лайс Самарқандий оқил киши душманидан дўстини ажрата билиши,




Инсон нафсининг ҳақалак отишига бир қанча омиллар, жумладан, бойлик, амал, мавқе, мартаба каби унсурлар таъсир қилса-да, бунда иқтисодий жиҳатнинг ўрни катта. Барчамиз яхши яшашни, сифатли овқатланишни, чиройли ва ораста кийинишни орзу қиламиш, шунга интиламиш. Бунинг ёмон жойи йўқ. Аммо бундай қўлайликларга эришиш йўлидаги нопоклик ва ноҳалолликдан ўзи асрасин. Билиб-билмай адолатсизликка йўл қўядиган, жамият қонуниларидан четга чиқадиган, ўз нафсини қондириш йўлида ҳеч нарсадан, ҳар қандай ёмонликдан қайтмайди-ган кишиларнинг ҳаёт тарзига назар солсан, уларнинг кейинги турмуши, ҳаётида қандайдир маънавий фожияларни кўрамиз.

Иқтисодий васатийлик

Мол-мулк бўлган киши фаровон ва тўқ яшайди, у бировга муҳтож эмас. Моддийлик меъёрида бўлган яхши, бу исломда иқтисодий васатийлик (муътадиллик) дейилади. Исломда молу дунёнинг ортидан тушиб, унга қўл бўлиб қолишига асло йўл қўйилмайди. Шунингдек, молу дунёни тамома инкор этишига тарғиб ҳам қилинмайди. Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни молу мулкка муҳаббатли қилиб яратган. Исломда ҳалолдан топишган молу дунё катта неъмат саналади. Кишилар ҳалол касб орқасидан ҳаёт кечирини даъват этилган. Лекин молу мулкка ружу қўйиш қораланган. Шу тарзда молу дунё масаласида васатий — муътадил, ўрта, яхши ва афзал ҳолат ихтиёр қилиниди.

Молу мулк масаласида васатийлик — муътадиллик, афсуски, айрим ҳолларда юртдошларимиз томонидан бузилаётганини кўрамиз. Тасаввур қилайлик, бир оиладаги тобе бўлсанг — инсон эмассан”. Ал-Фароқ Абу Лайс Самарқандий оқил киши душманидан дўстини ажрата билиши,



Ўзини англаган, яхшилик ва ёмонликларнинг келиб чиқиш табиатидан хабардор ҳар қандай киши нафс балосидан устун туради. Олжаноб ва бахтли инсон нафсининг нималарга қодирлиги, ўзини қандай ёмонликлар қутаётганини билади, бу хилдаги фалокатлардан қутулишининг йўлини излайди ва топади.

душманига эргашмаслиги лозимлигини таъкидлаб, жоҳилликнинг тўрт аломатини санади: бекорга ғазабланиш, нафсининг ботила эргашини, молни ўринсиз ишлатиш, дўстини душмандан қамроқ билиш. Шунингдек, мутафаккир-олим оқилликнинг тўрт аломати ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидагиларни санади: жоҳилга нисбатан мулоим бўлиш, ботилдан нафсини қайтартиш, молни лойиқ жойга ишлатиш, душманидан дўстини ажрата билиш.

Агар ушбу иқтибосга эътибор қилинса, жоҳиллик замирида нафс балоси ва мол-мулк масаласи турганини кўриш мумкин. Шу маънода, нафс инсонни қўлга айлантирадиган, унинг эркини ўғирлайдиган салбий сифат тарзида эътиборга олинса, ақли нафсини мағлуб этадиган, қучсизлантирадиган омилга қиёслаш мумкин.

тасарруфида бўлган баъзи хоналарга йиллаб кирмаганини гапирди. Моддий бойликларни кўз-кўз қилиш, катта миқдорда маблағ сарфлаб, орзу-ҳавас баҳонасида таниш-билишларни чорлаб, дабдабали тўй-маърақа ўтказиш, икки-уч қаватли уйлар куриб, улардан фойдаланмаслик нафс балосига учраганликнинг ёрқин белгиси эмасми?

Нафсга қарши курашда ҳар бир инсон ўз ақли, фаросатидан фойдаланса, қандай яхши бўлиради. Ақлликлик — ўта ноёб ҳодиса. У ҳар биримиз учун ўйлаш, фикрлаш, англаш, тафаккур қилиш, мантйий ҳулосалар чиқариш имкониятидир. Ақл туфайли биз тевақаратрофдаги воқеа-ҳодисаларни ўрганамиз, таҳлил этамиш, баҳо берамиш, ўз фаолиятимизнинг муҳим йўналишларини белгилаймиш. Ақл туфайли оқ билан қорани, тўғри билан нотўғрини, чин билан ёлгонни фарқлаймиш.

Фаросат эса одамларга оддий кундалик турмушдаги воқеликни идрок этишда кўмаклашадиган қобилиятдир. У одатда ҳар биримизнинг ахлоқ-одобимиз билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, Шарқ оламида фаросатнинг ўрни катта.

Ушбу ноёб ҳодисалар, яъни ақл билан фаросат инсоннинг бутун фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи омил бўлса-да, кишилар нафсини жилволашда уларнинг ўрни мутлақо бўлакча. “Қўли қалта” кўшниси бор бадавлат инсон ақл ва фаросатга суяниб иш юритадиган бўлса, ўз уйига керагидан ортиқ зеб бермайди, қўшнисининг имкониятини ҳисоб олади, уни уялтириб, мулзам қилишдан ўзини тийди. Яъни оқил одам ақл ва фаросатга суяниб иш кўради. У ўз нафсини жилволай олади, унга қўл эмас.

Аслида, ҳар бир кун одоб ва нафс ўртасидаги кураш билан ўтади. Нафсини муътадиллаштириш ўз қўлимизда. Бошқача айтганда, одоб бизни ҳар кун, ҳар дам қабўлликка, жирканч амалларга бошловчи нафс балосидан қутқарувчи ҳимоя воситаси. Одоб бизни ахлоқий меъёрларга ундаб, миллий характериимизни шакллантирадиган ҳодисалар мажмуидир. У барча миллат ва элатларга хос ижтимоий-маънавий ҳодиса ҳисоблана-да, ўзбек халқи ҳаётдаги аҳамияти беқиёс. У бизни кўпинча нафс балосидан қутқаради. “Оч қорним, тинч қўлогим” мақолининг мазмуни ҳам нафс балосига қарши курашишнинг аҳамияти катта эканидан далоятлардир.

Мақсадга етишмоқ учун инсон тинимсиз ўзи билан ўзи курашиши, ўзини қийнаши лозим. Фариддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарига бундай ёзилади: “Банда билан Аллоҳ ўртасида тўрт денгиз бор, улардан кечиб ўтмагунча Аллоҳга етишиб бўлмас. Бирини — дунё, унинг кемаи зуҳддир; иккинчисини — ҳалқ, унинг кемаи зулуддир; учинчи — иблис, унинг кемаи душманлигини билиб, ундан сақланмоқдир; тўртинчисини нафсдирки, унинг кемаи тиланиши бермасликдир! Нафс ёмонликни буюрғувчи, ҳавога учувчидир. Эр улдурки, нафсини ўлдиргай”. Мутафаккир яна бир жойда ёзди: “Шайтоннинг бир соат ичиде ҳалок қилганини юзта оч арслон бир сурув қўй ичиде қила олмас. Нафсининг бир соат ичиде одамга қилдиган вайронлик ишини эса юзта шайтон қила олмас”.

Назаримизда, нафс балосига бундан ортиқ таъриф бериш қийин. Ҳа, ҳақиқатан юзта шайтон битта нафсининг қилган ишини удалай олмайди. Нафс балосидан қўтулиш учун инсон доимо ўзини поклаб туртиши керак. Юқориде таъкидлаганимиздек, нафсини поклатиришчи омиллар жуда кўп. Аммо назаримизда, “сабр” деган сўз борки, унинг аҳамияти барчасидан устун туради. Сабр аслида инсоннинг бардоши, иродасини билдирувчи маънавий ағлати. Айни пайтда сабр инсон маънавиятининг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Сабр инсонга бирданга бериладиган неъмат эмас. У узоқ йиллар давомида шаклланадиган, аждоқлардан авлодларга маънавий мерос сифатида ўтадиган қадрият. Шу маънода, “Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва битар”, “Сабр дори каби аччиқ, оқибати ширин”, “Сабр таги — сариқ олтин”, “Сабрлига — ош, сабрсизга — тош” каби мақолларимизнинг нафсини жилволашдаги ўрни беқиёс.

Гедонизмнинг икки тури

Бутун дунёда тараққиёт, тезлашиш жараёни кузатишмоқда. Глобаллашув ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, мафкуравий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келди. Ҳаётнинг тезлашуви одамлар характери, истак-ниятларига ҳам кучли таъсир этмоқда. Айрим ёшларда тезроқ бойиб кетиш, катта имкониятларга бирдан эга бўлиш, ўз эҳтиёжларини бир зарб билан қондириш каби “сифат”лар пайдо бўлмоқда. Илмий тилда бу ҳолат гедонизм деб баҳоланади. Бу сўз юнончада “лаззатланиш” маъносини беради. Лаззатланиш эса икки хил маънога

Сабр инсонга бирданга берилдиган неъмат эмас. У узоқ йиллар давомида шаклланадиган, аждоқлардан авлодларга маънавий мерос сифатида ўтадиган қадрият. Шу маънода, “Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва битар”, “Сабр дори каби аччиқ, оқибати ширин”, “Сабр таги — сариқ олтин”, “Сабрлига — ош, сабрсизга — тош” каби мақолларимизнинг нафсини жилволашдаги ўрни беқиёс.



нафс зўрлик қилса, қалб бу аъзоларни бошқара олмайди. Ҳолбуки, нафсини фақат ақл йўли билан эмас, қалб кучи билан ҳам енгил яхши самара беради. Шунинг учун ҳам “Нафс ақлимизга на бўлдики, хасис нафс бизга голиб бўлудур” дейилганда, қалб тарбиясининг заифлиги назарда тутилади. Агар одам ўз нафсига асир бўлиб қолса, инсонийликни қўлдан бой бермай иложи йўқ.

Баъзан моддий имкониятлари етарли кишиларни гам-ташвиш ҳолда кўрамиз. Сабаб не, ўйлаб қолсан киши. Уни ўз нафсини қондириш йўлидаги қонуний ишлари безовта этмаётганимикин? Қинғир ишининг қийини қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деган нақлга кўра, ими-жимиде қилган жиноят иши айрим нопок кишиларнинг тинчи, ҳаловатини бузмайди, деб айта олмаймиш. “Нафс узоқ муддат ботил, қабҳиқ нарсаларга майл этса, бора-бора уларга кўникади, ҳатто бундан лаззат ҳам олади. Агар сен ҳам бир муддат ҳаққа қайтсанг-у, кейин унга мутғасил боғланиб қолсанг, қандай қилиб ҳаққа оқатланмаслик, ундан лаззат олмаслик мумкин?! Аслида, нафсининг ботил, қабҳиқ ишларига майл этиши фитраратта эдидир, мисоли баъзи одамлар кесак ейишга оқатлангани каби. Аммо фитраратнинг ҳикматиға, Яратган эгасини таниб, у зотта муҳаббат қўйиш ва ибодат қилишга бўлган майли бамисоли унинг таомта ва сувга бўлган майлиға ўхшайди. Чунки қалб табиати бу майлиға тақозо этади”, дейди алломалардан бири.

Еши катта киши билиб-билмай ўз нафсининг измиға бўйсунди. Бола эса ақлу ҳушини тангунга қадар билмасдан нафсга эргашади. Унутмаслик керакки, болалик ва ёшлик кезлари нафсига ҳоким бўла олган киши ҳаётини жуда ҳам кўп қоқилавермайди. Ўз фарзанди бахту саодатини ўйлаган инсон, диёнатли ота-оналар гўдагининг йиллаган инсон, қайсарлик қилганиға бўйсунмавермай, ундаги нафси аммога (кучли хоҳиш-истак) қурқакларини йўқотишга қароқат қилади.

Энг ёмон, нафс балоси ҳам худди юқумли касаллик сингари катталардан ёшларга, ота-оналардан фарзандларга юқади. Фарзанд ўз оиласидаги муҳит, турмуш тарзидаги гаир-ритабий ўғаришлар, меҳнатсиз топилаётган бойликларни кўриб мулоҳаза қилмайди, дейсизми? Хато ўйлаётди. Бугунги ёшларнинг ақли ҳамма нарсига етаси. Ижтимоий тармоқлардаги “хабарлар”, “бойлик орттиришининг минг хил йўллари”, айниқса, оилавий муҳитдаги “катталар”нинг бойлик орттириш борасидаги муҳокамалари, шубҳасиз, фарзандларнинг ёшлиқдан нафс балосига учраши, коррупциянинг “илк сабоқлари”дан дарс олишга имкон беради.

Шунинг учун ҳам бу борда танаффус қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар сония, ҳар қадмада бу борда тушунтириш олиб бормасак, ўзимиз шахсий намуна бўла олмасак, кеч қоламиз.

Риёзат ун-нафс

Имом Ғазолий таъбири билан айтганда, бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланиб, этган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганилса, тўғри амаллар ичиде воғта етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта, бу саоватга унинг биринчи галда ота-онаси, муаллими ва унга ибрат кўрсатган яқинлари шерикдир. Агар ота-она боланинг айттанларини бажо келтириб, ундаги нафс тарбиясини тўғри йўлга қўймас экан, бунинг охири хайрли тугамайди. Бунга уни шу қўйга солганлар — ота-она, буви-бувалари сабабчи бўлиши мумкин.

Илим олоқлик бешкидан то қабрғача фарз қилинган каби нафс тарбияси ҳам бола дунёға келган кундан бошланиши керак. Яхши-ёмонни фарқлаш ҳисси болада шакллана боргани сайн назоратни қучатириш зарур. Аввало, она суги покми, ота тоғиб келган даромад ҳалолми, бу биринчи галдаги масала. Агар ноҳалол топишган нон-туздан истеъмол қилиб она болани эмзиса, унинг табиати ҳаромға мойил бўлиб ўсади. Нафси ўпқонликда у бора-бора отасини йўлда қолдириб кетади.

Бунинг олдини олиш мумкин, албатта. Қачонки, ақл нури ёришиб, бола баъзи ишларнинг бошқасига зид эканини кўрса, ҳунук деб толган ишларни қилишдан уяла бошласа, бу нафсини жилволаш йўлидаги илк қадамдир. Бу ҳулқнинг поклиги, қалбнинг софлиғидан дарак берувчи башорат, ақлнинг қамолға етаётганидан хушхабардир.

Нафс балосидан қутулиш инсонни кўкларға кўтарди, жамиятни поклатириди, одамларнинг виждон азобидан қутқаради, тинчлик ва хотиржамлик бахш этади. Бу жараён турли кураш ва зиддиятлар неғизиде кечади. Янги Ўзбекистон жамиятида коррупция ҳолатини йўқотиш, одамларда нафс тарбияси самарадорлигини ошириш аслида мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор масалға айланб бўлди. Давлатимиз раҳбарининг коррупция қарши умумхалқ ҳаракатини бошлашга даъват этиши, шубҳасиз, янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги муҳим қадамдир.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ИНДУСТРИЯ

ҲОСИЛ СУҒУРТАСИ – ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Халқимизда “Яхши йил баҳоридан маълум, яхши кун – сахаридан” деган нақл бор. Албатта, бу бежиз эмас. Бу йил баҳор серёгин келди. Кеч қузда таваккал қилиб ерга уруғ қадаб, йилнинг қандай келишини тўрт кўз бўлиб кутиб турган бободоҳқонларнинг, фермерларнинг кўксига шамол теғди. Энди агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиб, экинларнинг ўғит ва сувида ками бўлмаса, катта хирмон кўтарилади. Бозорлар меза-чевага тўлиб, нарх-наво меъёрлашади. Аммо қувонишга ҳали эрта. Бойси, ўзгарувчан об-ҳаво ҳеч нарсани қафолатмайди. Яқинда баҳор ўз ўрнини ёзга бўшатиб беришига қарамай, баъзи ҳудудларда кутилмаган меҳмон бўлиб қор ёғиши ортдан кўплаб экинлар нобуд бўлди. Натияжада харажат қилиб катта хирмон умидида турган дехқонлар меҳнатига куйиб қоляпти.

диган маҳаллий корхона билан ҳосил етилганидан сўнг етказиб бериш учун олдиндан шартнома имзолайди. Яъни муайян микдордаги помидорни белгиланган нархда етказиб бериши дехқон ёки фермер зиммасига олади. Аммо табиий офат туйғайли ҳосил нобуд бўлади. Харажат қилиб, эккан экинига куйиб қолган ер эгаси келаси йил бу экинни экишга иккиланади. Корхона эса маҳсулотни бошқа жойдан қиммат нархда сотиб олади. Оқибатда корхона тақдир ва ерда ишлайдиган одамларнинг тирикчилиги ҳам сўроқ остида қолади.

Биргина маҳсулот етиштирувчининг манфаати ҳимоя қилинмаслиги ортдан қанча инсон ишдан айрилиши, давлат эса бозорда ушбу маҳсулот ўрнини қоплаш учун импорт қилишга мажбур бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш эса бу муаммони юмшатади. Дехқоннинг зарар кўриб, банкрот бўлишига йўл қўймайди. Бу орқали барқарор ривожланиш муҳитини яратиш, одамларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш мумкин.

Ортимизда молия бозорини янада ривожлантириш, тадбиркорларни сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича изчил ишловлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳозирги босқичи иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида мамлакатда суғурта бозори ролини кучайтириш ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда. Жумладан, иқлим ўзгариши кучайиши билан боғлиқ, аграр тармоққа жиддий талафот етказувчи муаммолар тобора глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бунга ўзига хос сабаблар ҳам бор. Биргина 2023-2024 йиллардаги совуқ ва иссиқ ҳарорат таъсирида мамлакатдаги 9,1 минг гектар боғ ва 4 минг гектар узумзор талафот кўриши оқибатида 207 минг тонна ёки 8,5 фоиз ҳосил нобуд бўлган. Бу рақамлар ортда қанчалар инсонларнинг зое кетган пешона тери, кунпаякун режалари турбиди.

Қишлоқ хўжалиги ўзига хослиги, хавфлилик даражаси ўта юқорилиги боис, Ўзбекистонда яқин 5та йилдан буён қишлоқ хўжалигида ҳосил суғуртаси амалга оширилмай келинмоқда. Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга асосан, кредитни қайтармаслик хавфини суғурталаш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай суғурта фақат имтиёзли кредитлар қайтаришга хизмат қилиб, етиштирилмаган ҳосил суғуртасиз қолиб кетмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос иқтисодий фаолият тури сифатида юқори даражадаги хатарлар билан боғлиқ экани, аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий офат ёки ишлаб чиқаришдан кўрган зарарларни мустақил қоплай

олмаслиги қабул қилинган қонуннинг нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади. Суғурта ҳимояси салбий ҳодисалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш ҳамда аграр тармоқнинг барқарор ривожланиш суръатини таъминлаш қафолати бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги сабаблардан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ишловларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Лойиҳани ишлаб чиқишда Қишлоқ хўжалиги, Иқтисодий ва молия вазирликлари мутахассислари, Германия ва Швейцария қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича халқаро экспертлар қатнашди. Шунингдек, суғурта ташкилотлари ва қонунчилик палатаси депутатлари билан муҳокама қилинган.

— Дунё тажрибасида қишлоқ хўжалиги суғуртаси қандай аҳамиятга эга? Турли давлатлар тажрибаси ҳақида сўзлаб берсангиз. — Бугун 50 дан ортқ давлатда қишлоқ хўжалиги суғуртаси алоҳида қонун билан тартибга солинган. Юқорида номим зикр этилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам қишлоқ хўжалиги суғуртаси ривожланган Испания, Туркия, АҚШ, Канада ва Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси ўрганилди.

Мазкур давлатларда қишлоқ хўжалиги суғуртаси бевосита давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлов ҳамда тузилган маъсул жамағарма, яъни бошқарувчи компания орқали амалга оширилади.

Жумладан, Испанияда қишлоқ хўжалиги суғуртаси “AGROSEGURO” бошқарувчи компанияси томонидан суғурта ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади. Туркияда эса қишлоқ хўжалиги суғуртаси “TARSIM” бошқарувчи компанияси томонидан унга аъзо бўлган суғурта ташкилотлари билан бирга амалга оширилади.

Испания ва Туркияда суғурталаш шартлари, шартнома намунаси ва тарифлар бошқарувчи компания “AGROSEGURO” ва “TARSIM” томонидан ишлаб чиқилади. Суғурта ташкилотлари фермерлар билан шартнома тузади ва суғурта муқофотларини бошқарувчи компанияга ўтказиб беради. Суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товон пули бошқарувчи компания томонидан фермерларга тўғридан тўғри тўлаб берилади.

Бугун Испанияда ҳосилнинг 55-60 фоизи, Туркияда 30-35 фоиз суғурта қилинади ва бу кўрсаткич йил сайин ўсиб бормоқда.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини суғурталаш маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатлари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳам катта туртки бўлиши ойдинлашади. Албатта, бугун қишлоқ хўжалиги ривожланиши нафақат давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим омил, балки юқори даромад манбаи ҳамдир.

Бугун халқаро майдонда қишлоқ хўжалиги нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи жабҳа, балки катта иқтисодий қудратга эга тармоқ сифатида ҳам қарамлоқда. Яқинда ижтимоий тармоқларда дунё аҳолиси сони бўйича пешқадам Хитойдан помидор ва бодиринг маҳсулотлари кириб келиши юртимизда етиштирилган маҳсулотлар нарҳига таъсир қилмагани ҳақидаги хабарларга кўзим тушганди.

Демак, бу давлат аҳолиси кўп бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар билан бирга, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ортдан ташкил бозорларни ҳам таъминлаш имконига эга бўлмоқда. Ушбу давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги даромади 1,69 триллион доллардан юқори. Бу даромад баъзи давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам катта.

2024 йилда Ўзбекистонда қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги соҳаларида умумий ишлаб чиқариш қиймати 444,6 триллион сўмни ташкил этди. Бу таъминан 34,4 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ИМТ) 21,5 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида юқори даромадга эга давлатлар ҳудудий жиҳатдан аҳоли сони ва қишлоқ хўжалиги sanoatida катта бурилиш ясаб олган давлатлардир. Шу билан бирга, ушбу давлатларда дехқон ва фермерларга яратилган имкониятлар, қўлайликлар ҳам тармоқнинг ривожланишига туртки бўлган. Энди юртимизда ҳам суғурта тизими жорий этилиши бу каби улкан давлатлар эришган натижалар сари қадам бўлса ажабмас.

фермерларни турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва барқарор даромад олишни қафолатлаш учун Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамағармаси ташкил этилмоқда. Жамағарма қишлоқ хўжалиги суғуртаси амалга оширилишини ташкил этиш ва бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларга суғурта шартномаси бўйича етказилган зарар тўлаб берилишини зиммасига олади. Жамағарманинг маблағи қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномалари бўйича келиб тушган суғурта муқофоти, давлат томонидан қопланмаган бюджет субсидияси, тўланган ва тўланиши лозим бўлган зарарлар учун қайта суғурта ташкилотларидан келиб тушадиган пул маблағи ва бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Янги институт жорий этилмоқда — суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ўрганиш ва кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектини кўздан кечириш, қишлоқ хўжалиги суғуртадаги йўқотишларни баҳолаш, шунингдек, суғурта ҳодисалари бўйича етказилган зарар микдорини аниқлаш мустақил экспертлар томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Бу жараёнда агроном ва ветеринарлар мустақил экспертлар бўлиши мумкин. Мустақил экспертларнинг хизмат ҳақи жамағарма томонидан қопланади. Мустақил эксперт суғурта объекти билан боғлиқ таваккалчиликлар ва зарарлар тўғрисидаги мулоҳазаларни ахборот тизимига киритади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси таваккалчиликларини суғурталашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми яратилмоқда. Бунда суғурта муқофотининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларнинг суғурталанган табиий офатлар ва бошқа хатарлардан қўриққан зарарини қоплаш учун Қишлоқ хўжалигини суғурталаш жамағармаси маблағи етарли бўлмаган тақдирда, етмаган қисми республика бюджетини ҳисобидан қопланади.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини суғурталаш маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатлари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳам катта туртки бўлиши ойдинлашади. Албатта, бугун қишлоқ хўжалиги ривожланиши нафақат давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим омил, балки юқори даромад манбаи ҳамдир.

Бугун халқаро майдонда қишлоқ хўжалиги нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи жабҳа, балки катта иқтисодий қудратга эга тармоқ сифатида ҳам қарамлоқда. Яқинда ижтимоий тармоқларда дунё аҳолиси сони бўйича пешқадам Хитойдан помидор ва бодиринг маҳсулотлари кириб келиши юртимизда етиштирилган маҳсулотлар нарҳига таъсир қилмагани ҳақидаги хабарларга кўзим тушганди.

Демак, бу давлат аҳолиси кўп бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар билан бирга, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ортдан ташкил бозорларни ҳам таъминлаш имконига эга бўлмоқда. Ушбу давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги даромади 1,69 триллион доллардан юқори. Бу даромад баъзи давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам катта.

2024 йилда Ўзбекистонда қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги соҳаларида умумий ишлаб чиқариш қиймати 444,6 триллион сўмни ташкил этди. Бу таъминан 34,4 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ИМТ) 21,5 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида юқори даромадга эга давлатлар ҳудудий жиҳатдан аҳоли сони ва қишлоқ хўжалиги sanoatida катта бурилиш ясаб олган давлатлардир. Шу билан бирга, ушбу давлатларда дехқон ва фермерларга яратилган имкониятлар, қўлайликлар ҳам тармоқнинг ривожланишига туртки бўлган. Энди юртимизда ҳам суғурта тизими жорий этилиши бу каби улкан давлатлар эришган натижалар сари қадам бўлса ажабмас.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Обод манзиллар

НАВОЙНИНГ БАРЧА ҲУДУДИДА ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ИМТИЁЗ БОР

Жорий йил 9 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизга 8 миллиард 600 миллион доллар инвестиция келганини таъкидлаб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифаларни белгиллаб берди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг инвестиция жозибadorлиги йилдан йилга ортиб бораётгани ва бу эса хорижий инвесторларни жалб этишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу йўналишда вилоятда ҳам тизимли ишлар амалга оширилиб, инвестиция лойиҳалари сони йилдан йилга кўпаймоқда.

Навоий вилояти бой табиий ресурс ва инфратузилмага эга ҳудуд. Юртимиздаги қазилма бойликларининг йигирма фоизини Навоий заминидан олинади. Иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш каби қўшимча имкониятларга эга ҳудуд ўларoқ, вилоятда инвесторларга зарур қўлайликлар яратилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 350 дан ортқ хорижий ва қўшма корхона фаолият юритаётгани, улар томонидан ҳозир яна 50 дан ортқ янги инвестиция лойиҳаси амалга ошириляётгани фикримиз таъкидидир.

— 2019 йилда Навоий вилоятининг барча ҳудудлари эркин иқтисодий зона деб эълон қилинган эди, — дейди Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Элбек Рафқоров. — Бу ишлаб чиқарувчилар учун муайян бир жойда эмас, балки хомашё яқин ҳудудларда ҳам лойиҳаларни амалга ошириб, эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомига эга бўлиш ва мавжуд имтиёزلардан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, вилоятимизда йирик sanoat қорхоналари мавжудлиги ва кооперация алоқаларини йўлга қўйишдаги

имтиёزلар ҳудуд инвестиция жозибadorлигини янада оширади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудга 300 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилгани ҳам ушбу омиллар самарасидир.

Вилоятда Хитой, Россия, Туркия ва бошқа қатор давлатлардан инвестиция жалб этилиб, янги лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Мисол учун, Кармана туманида Хитой капитални иштирокида ташкил этилган “Tiancheng stone” қўшма корхонаси яратилган тадбиркорлик муҳити, инвестициявий жозибadorлигининг ёрқин намунасидир. Айниқса, корхонанинг гранит тошларни қайта ишлаш бўйича иккинчи лойиҳаси тобора ривожланилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу корхонада 10 минг квадрат метр гранит қайта ишланади ва мингта яқин иш ўрнига эга. Хатирчи туманидаги Кўксарой қарьерига қазиб олинган гранит тошлар иккита заводга келтирилиб, замонавий ускуналар ёрдамида 12 хилдаги сифатли гранит маҳсулотлар тайёрланади.

Маҳсулотлар Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда ва 2024 йилда экспорт ҳажми 15 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йил якунида бу кўрсаткич 25 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда ушбу хорижий корхона томонидан лойиҳа қиймати 100 миллион доллардан ортқ бўлган, қурилиш материалларига ихтисослашган sanoat парки ташкил этилмоқда.



— Ўзбекистонда қўшма имкониятларни ишлаб чиқиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш муҳити яхши ривожланган, — дейди “Tiancheng stone” қўшма корхонаси директори ўринбосари Чен Чагён. — Инфратузилма ва хомашё борлиги боис, инвестор янги лойиҳаларни бемалол бошлаши мумкин. Қўшма корхонамиз дастлаб 15 миллион долларлик гранит маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳасини ишла тушириб, маҳаллий аҳоли учун 400 дан ортқ иш ўрни яратган бўлса, бугун ишчилар сони мингдан ортди. Қўшма лойиҳаларимиз янада кенгайиб бормоқда.

Кармана туманида Хитой иштирокидаги “Zarafshon Industrial Technology” компанияси томонидан кимё материалларига ихтисослашган қиймати 1 миллиард долларлик 12 та лойиҳа амалга ошириляётган бўлиб, бугунги кунда учтаси ишла туширилди ва бештасида қурилиш ишлари бажарилмоқда.

“Навоий ишонч гилалари” қўшма корхонаси вилоятдаги маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг янги бой йирик лойиҳасидир. Бу ерда 350 дан ортқ ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Корхонада бир кунда 15 минг квадрат метр нафис гилалар ишлаб чиқарилади ва маҳсулотлар Россия, Озарбайжон, Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади.



— Дастлаб иш бошлаганимизда корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт ҳажми жуда кам эди, — дейди қўшма корхона директори Шерзод Насруллоев. — Яратилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ишимизни босқичма-босқич ривожлантириб бордик. Натияжада корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 4 миллион квадрат метрга етди ва 2 миллион доллар қийматида гилам маҳсулотларини экспорт қиламиз. Ҳозир гилам турларини кўпайтириш устида ишляямиз.

Навоий шаҳридаги sanoat зонасида ҳам йирик инвестиция лойиҳалари ишла туширилган бўлиб, айни вақтда уларнинг сони ошиб бормоқда. “Universal Filter” корхонаси Россия, Словакия ва Хитой каби мамлакатлардан келтирилган замонавий технология ёрдамида транспорт учун ҳаво ва мой филтёрлари, металлургия, нефть-газ ва кимё sanoati қорхоналари учун 600 турдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Корхонанинг асосий мақсади sanoat тармоқлари учун нонстандарт ускуна ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштиришдир. Корхона томонидан асосан, Навоий ва Олмалик қон-металлургия

комбинатлари, “Қизилқумцемент”, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзавтосаноат” каби йирик sanoat қорхоналарига кооперация асосида маҳаллийлаштирилган эҳтиёт қисмлар етказиб беришмоқда.

Навоий вилоятда тиббиёт йўналишидаги инвестиция лойиҳалари ҳам яхши самара бермоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Туркиянинг “Turkish-lab” корхонаси ҳамкорлигида бир неча оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника, Навоий шаҳри шифохонасида юқори технологияга эга қон таҳлили лабораториялари очилди. Лойиҳага дастлаб 1 миллион долларлик инвестиция киритилди ва замонавий ускуналар келтирилди. Ҳозир Ўзбек ва турк шифокорлари ҳамкорликда ишламоқда.

— Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда, — дейди туркиялик шифокор Ҳакан Чавуш. — Лабораториямиз 24 соат давомида фаолият юритади. Ҳозир 30 дан ортқ Ўзбек тиббиёт ходими билан бирга ишламоқдамиз. Соҳа ривожини, тажриба алмашиш учун уларнинг базиларини Туркияга юбордик. Инсон саломатлигини ҳар нарсадан устун. Даволашни учун эса, албатта, тўғри ва ишончли таҳлил муҳим ўрин тутаети. Бунда эса замонавий лабораториялар қатнашди. Ўзбек-турк шифокорларининг мақсади ҳам аниқ таҳлиллар асосида беморларни даволаш ва аҳоли саломатлигини асрашдир.

Бугунги кунда Навоий вилоятдаги 350 дан ортқ хорижий ва қўшма корхонада 8 мингдан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Ҳудудда бизнес ва тадбиркорлик, халқаро логистика учун улкан имкониятлар яратилган. Инвестиция лойиҳалари ҳудудларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш билан бирга халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, инвестиция — технология, малакали мутахассис, замонавий лойиҳалар, валюта тушушми ва бюджетга даромад дегани. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг асосий манбаидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



АЛ-ФАРҒОНИЙ МЕРОСИ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛМОҚҚА МУНОСИБ

Қадимдан кўна Шарқ, хусусан, Марказий Осиё давлатлари илму фан тараққий этган, фалсафа, тиббиёт, адабиёт, маданият ва санъат ривожланган минтақалардан бўлиб келган. Ер юзиде нечта давлат борлиги, уларнинг ҳар бири қанча алломага, дунёга машҳур шахсларга эга эканини ўйлаб кўрганмисиз? Тўртта ёки бешта, нари борса ўнтадир. Бирок юртимиздан етишиб чиққан алломалар сонини ҳисоблашга бармоқларимиз етмайди, таърифу таснифини ёзган, айтган билан тугамайди.



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Биргина Фарғона водийсининг ўзиде “Ал-Хидойя” асари билан бутун ислом дунёсиде машҳур бўлган фикршунос олим Бурҳониддин ал-Марғиноний, буюк мутаасаввуф олим Шайх Абу Бакр Воситий, калом илмига оид “Баъд ал-ағвал” асари муаллифи Али ибн Усмон ал-Фарғоний сингар маърифат ва маънавият аҳқомлари етишиб чиққан. Президентимиз таърифи билан айтганда: “Ҳамма ўз тарихини улуглайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қачон йўқ. Бу меросини чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиша билишимиз керак”. Биз бутун нафақат Фарғона, юртимиз, балки бутун Шарқ халқлари фахри бўлган Аҳмад ал-Фарғонийнинг шарафли тарихи ҳақида фикр юртамиз.

Урта асрларда яшаган қомусий олим Аҳмад Фарғоний илми нукум (астрономия), жуғрофия (география), ҳандаса (геометрия), риёзиёт (математика) каби фанлар билимиде бўлиб, уларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган. Гарчи улуг аллома ҳақида жуда оз маълумотлар сақланиб қолган бўлса-да, илм-фандаги буюк ихтиролари, математика, геометрия фанларида оид қимматли илмий мероси яқин вақтларга қадар жаҳон илм-фан марказларида ўқитишнинг энг асосий манбаси бўлгани олимнинг юксак илмий салоҳиятидан далолат беради. Фарғонийнинг туғилган шаҳри Кува, яъни Куббо экани таъкидланса-да, мусулмон мамлакатларида исмларга пойтахт ёки марказ номини қўшиб айтиш уф бўлгани боис, бобокалонимиз ҳам Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қасир ал-Фарғоний нисбасини олган.

Европада Алфранганус номи билан танилган олимнинг Мисрда яшаб, мисли кўрилган кашфиётлар қилгани, Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлагани, янгича энг, яъни астрономик жадал тузгани ёки Сурияда ер метеоритини ўрганиши ҳамда Ер шарининг думалоқ эканини яна бир бор исбот этгани маълум ва машҳур. Шунингдек, бобокалонимиз сув сатҳини ўлчайдиган асбоб яратгани, қуёш соатлари ёрдамида сайёралар орасидеги масофаларни аниқлагани, Багдадда халифа Абдуллоҳ ал-Мамун тузган илмий марказ — “Байт ул-хикма”да фаолият юритгани ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаи ҳам яхши таниш. Унинг астрономияга оид “Китоб ал-ҳаракат асмавийя ва жаवобий илм-ан-нукум” асари неча асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида ўқитилган, таниқли Фарб олимлари унинг китобларидан маърузалар ўқиган. Бутун фан-техниканинг энг замонавий асбоблари ёрдамида аниқланаётган маълумотлар алломанинг ҳисобидан унча ҳам фарқ қилмаётгани жаҳон олимларини ҳамон таажублантиради. Унинг Нил дарёсидеги оролда қурган ишооти, яъни ниломер илмий-техник ва меъморий жиҳатдан гоёт мукамал ҳисобланади ҳамда бу қурилиш ҳозирга қадар сақланиб қолган. Олим фаолияти ҳақидаги фикрлар Шарқда Ибн ан-Надим, Ибн ал-Қиштий Абул Фароқ Бар Эзрей, Ҳожи халифа каби олимлар, Фарба Данте, Шиллер, Даламбер, Брокельман, Региомонтан каби жуда кўплаб олим ва ёзувчилар асарларида эътироф этилган. Ҳатто Дантедек буюк истеъдо соҳиб шох асари “Илоҳий комедия”даги Азрофни тасвирлашда Фарғонийнинг илмий қарашларидан кенг фойдаланган.

Жорий йил апрель ойида Халқаро туркий маданият ташкилоти — “ТУРКСОЙ” томонидан “Фарғона маданият кунлари”ни ўтказиш, ўзаро музокаралар ўтказиш мақсадида қардош Туркия Фарғона вилояти делегацияси билан бордик. У ерда қошу кўзи худди ўзимизга ўхшаган, тилларимиздаги фарқ ҳам унчалик сезилмайдиган, ўзимиз каби самимий ва очикқўллик турк халқи меҳмонини бўлди. Бунинг давомида Истанбул ва Анқара шаҳарларида “Фарғона кўчлари” доирасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Халқаро муносабатларимиз

66 Кўнглим кўтарилиб, бобомиз ҳайкалига боқар эканман, руҳимда миллий шуурни, Фарғоний, Беруний, Хоразмий, Термизий, Бухорийлар шаҳдини ҳис қилдим. Уларнинг қони ҳар бир ўзбекнинг тиричилигида ҳамон оқаётгани бор ҳақиқат эканини яна бир бор англадим. Зеро, башариат шу кунга қадар нималарга эришган бўлса, барчасининг негизиде Шарқ даҳоларининг улкан ҳассаси борлиги шубҳасиз.

қайта-қайта мутулаа қилган ватандошларимизнинг кашфиётлари, илмий меросини атрофича ўрганишимиз, татбиқ этишимиз ва ўзимизга фойдали хулосалар чиқаришимиз даркор. Чунки ўз илдизини англаб яшатиш сизу бизга боғлиқ эканини таъкидлагани истардим.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудуни 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланиб, ўша йилнинг 24 октябр кунин Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлиги очилган эди. Кува шаҳридаги Шахристон харобалари ёнида алломанинг ҳайкали ўрнатилган, рамиий қабри бунёд этилган. Бу ҳам буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасига ўзига хос эътиродир.

Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этаётган мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига берилаётган юксак эътибор, иқтидорли ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ислохотлар ҳар жабҳада, айниқса, олий таълим тизимиде яққол намойён бўлмоқда. Хусусан, Фарғона давлат университетиде талаба ёшларининг билим олиши, ўз соҳаларида илмий изланишларни қилиши ва миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар бўлиб етишиши учун барча шароитлар муҳайи. Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар қўлани қилган кунга кенгайиб бормоқда. Ўйлашимизки, меҳнатлар самараси ўлароқ, келажакда мазкур олийгоҳ талабаларидан дунё тан олган ноёб истеъдод эгалари, ўз халқига садоқатли, эҳмида қатъий



Ўзбекнинг томирида ҳамон оқаётгани бор ҳақиқат эканини яна бир бор англадим. Зеро, башариат шу кунга қадар нималарга эришган бўлса, барчасини борлиги шубҳасиз.

Мулоҳаза қилсак, исломни дунёга янада кенг ёйилишига сабаби бўлганлар ҳам бизнинг боболаримиз, ерининг ҳолатини аниқлаган, ўлчамини билган, ноҳудлар илмига йўл очган, ҳатто бормай туриб, янги қитъани кашф этганлар ҳам аслида улуг аждодларимиздир. Математика илмида тенгсиз Хоразмий номидан алгоритм атамаси келиб чиқиб, “Китобул мухтасар фи ҳисоб ул-жабр ваи муқобала” асаридаги жабр сўзи алгебра сўзига асос бўлгани, минг дардга шифо топан, тенги йўқ ҳақим Ибн Сино Авиценна номи билан аталиб, дунёда тиббиёт пайдовер қўйгани ҳам айни ҳақиқат.

Бутун халқимиз бир бўлиб шундай аждодларимизнинг, дунё олимлари ҳайрат билан асарларини

маърифатпарвар зиёлилар, Фарғонийнинг чинакам издошлари етишиб чиқди.

Ҳозирги глобализм даврида турли маънавий таълим, оммавий маданият ҳамда кескин кураш ва рақобат ҳукм сураётган, манфаатлар тўқнашаётган, бир сўз билан айтганда, қалқиб турган дунёда тиш ва осийишта яшаётган халқимиз аждодлар мероси хазинасига етлик қилшида, ундан самарали фойдаланишда давом этиш, олам узра қаддини тиклаётган бу улуг миллат дарахтининг ҳали туркирган боғлар бини бўлиши шубҳасиз.

Зеро, бу дарахтининг илдизлари минг йилликларга бориб тақилиши, энг тинч, энг шифобахш булоқлардан сув ичиши, дунёга буюк олимлар, алломалар ҳади қилган жасоратли халқ эканини ҳар лаҳза ёд этиши олдимизга қўйган улугвор мақсадимиз — Учинчи Ренессансинг ҳам асосий қувват манбаидир.

ТАЛАБАЛАР БЎШ ВАҚТИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАДИ?

Ҳар бир таълим муассасаси талабаларнинг бўш вақтини мазмунли қилиш учун маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказишга алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, маданий учрашувлар, спорт мусобақалари, ижодий тўғараклар ва илмий конференциялар орқали ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш одат тусига кирган. Бирок аксарият талабалар мазкур имкониятдан тўлиқ фойдаланмаётгани ҳам бор гап. Бу эса ёшларнинг бўш вақтини қандай ташкил қилиш ва уларга янада кўп имконият яратиш масаласи ҳақида чуқур ўйлаш эҳтиёжини пайдо қилади. Ҳўш, бу борада нималар қилишимиз керак? Қандай жиҳатлар эътиборга олиниши зарур?



Тўхтасин АРСЛОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази бош мутахассиси

Авалло, ҳар бир таълим муассасасида талабаларнинг бўш вақтини қандай ўтказиётгани, уларга қайси тўғараклар ёки фаолият турлари қизиқ экани, шунингдек, қандай янги имкониятларни истиҳа ҳақида сўровномалар ўтказиши илмий муқдо. Ушбу сўровномалар орқали талабалар орасида илмий, спорт, ижодий, маданий ёки техник йўналишларга қизиқиш даражасини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, сўровномалар давомида талабаларга шахсини ривожлантириш учун қандай машғуллотлар, семинарлар ёки тренинглар кераклиги ҳақида фикр билдириш имконияти ҳам тақдим этилиши керак.

Бугунги аҳволни ҳисобга олсак, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун кўпроқ инновацион ёндашувлар ва янги дастурлар ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ. Мисол учун, талабалар ўртасида жамоавий тадбирлар, илмий ва маданий фаолиятга қизиқишни ошириш мақсадида интерактив ва замонавий усуллари қўллаш мумкин. Бунда дарсдан сўнг ташкил этилаётган тўғарак ва курсларни онлайн ташкил этиш лозим. Айни ташаббус талабалар учун қўшимча қўлайли яратди. Чунки баъзи ёшлар шахсий ва ижтимоий сабаблар тўғрисида дарсдан кейин тўғарак ёки курсларга қатнашга қийналади. Онлайн тўғарак ва курслар бу борада қўлай имконият тақдим этади.

Шу каби дастурларни мобил иловча ёки веб-платформалар шаклида ишлаб чиқиш, талабалар учун қўлай ва интерактив тарзда тақдим этиш лозим. Соҳасига оид халқаро конференциялар, вебинарлар ёки онлайн танловларни ҳам ўтказиб бориш айни муқдо. Бунинг натижасида талабаларда турли мамлакатлар ва маданиятлар билан танишиш имконияти пайдо бўлади. Бу уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, билиминини бойитилади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун тўғараклар нафақат чет тили ёки санъат йўналишида, балки замонавий ва амалий кўникмаларни ўргатуви курсларни ҳам қамраб олиши керак. Мисол учун, мобилграфия курсларида замонавий технологиялар ёрдамида видеосурат ва фотосурат олиш, уларни таҳрирлаш ҳамда контент яратиш асослари ўргатилади.

СММ курсларида эса ижтимоий тармоқларни самарали бошқариш, контент режалаштириш ва рақамли маркетинг кўникмалари ўқитилади. Трейдинг курсларида молиявий саводхонликни ошириш, инвестиция ва халқаро савдо асосларини тушунириш орқали даромад келтирувчи кўникмаларни шакллантириш мумкин. Технология ва дастурлаш курслари орқали ахборот технологиялари йўналишида дастурлаш тиллари (Python, JavaScript ва бошқалар) ёки веб-дизайн асосларини ўргатиш имкони пайдо бўлади. График дизайн ва анимация курслари замонавий дизайн дастурларидан фойдаланишни ўргатиб, талабаларда креативликни ривожлантиради. Бу каби замонавий курслар талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга касбий ва шахсий ривожланишга ҳам хизмат қилади.

Бутун талабаларнинг кўпиде маънавий-маърифий тадбирларга, шунингдек, турли тўғаракларга қизиқиш камде. Бунинг сабабларидан бири иқтисодий ҳолат, яъни аксарият талабалар ўқишдан бўш вақтида ишлашга мажбур бўляпти. Улар ўқиш билан бирга молиявий масалаларини ҳам мураккаб ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса уларнинг маънавий ва илмий тадбирларда қатнашиш имкониятини камайтиради.

Ҳозир дегарли барча олий таълим муассасасида анъанавий спорт майдончалари мавжуд. Шундай бўлса-да, талабалар орасида спортнинг замонавий шакллари, айниқса, фитнес ва индивидуал шугулланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Бирок ОТМлар ҳудудида етарлича жиҳозланган спорт заллари ва фитнес марказлари йўқлиги сабабли талабалар ташқаридаги пулли спорт залларига

боришга мажбур бўляпти. Хориждаги университетлар тажрибасига назар солсак, олий таълим муассасасининг ўзида замонавий спорт заллари, фитнес ва Йога марказларини ташкил этилганини кўриш мумкин.


Талабаларда ўқиш мобайнида стресс, хавотир каби руҳий ҳолатлар бўлиши табиий ҳол. Имитҳонлар, академик талабалар ва шахсий муаммолар уларнинг ички ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис, кўплаб ривожланган давлатларнинг етакчи олийгоҳларида талабалар учун психологик маслаҳат марказлари фаолият юртилади. Бу марказлар нафақат стресс ва депрессияни енгишда ёрдам беради, балки талабаларнинг маънавий-руҳий камолотида ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда талабаларга маънавий ва психологик жиҳатдан ёрдам бериш учун психологик маслаҳат ва мотивацион тренинглар ўтказишга мўлжалланган маънавий ва руҳий барқарорлик маркази ташкил этиш, стрессни камайтириш бўйича маърифий семинарлар ўтказиш ҳамда руҳий саломатликни мустаҳкамлаш орқали маънавий-руҳий камолотни оширишга хизмат қилувчи машғуллотларни жорий қилиш мақсадида мувофиқ. Шу билан бирга талабаларга аноним маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳам самара беради. Бу каби лойиҳалар маънавий-маърифий жиҳатдан талабаларнинг руҳий ҳолатини барқарорлаштириш, руҳлантириш ва ўқув жараёнини тўғри давом эттиришга ёрдам беради.

Адабиёт инсон тафаккурини кенгайтириб, танқидий фикрлашни шакллантиради ҳамда маданий меросни ўрганишга туртки беради. Шу сабабли ҳақонининг нуфузли университетларида китоб муаллифлари билан учрашувлар ва адабий тадбирларни мунтазам ўтказиш одат тусига кирган. Масалан, Гарвард ва Оксфорд университетларида тақиқли ёзувчилар билан китобхонлик учрашувлари ташкил этилади. Бу тадбирларда талабалар муаллиф билан бевосита суҳбатлашиши, асарни муҳокама қилиш ва ижодий фикр алмашиш имкониятига эга бўлади.

Бундай учрашувларнинг афзалликлари кўп. Талабаларнинг китобга қизиқишини ошириш, танқидий фикрлаш ва таҳлилий ёндашувини ривожлантириш ҳамда адабиёт ва ижодкорлик соҳасини янада теран тушунишга хизмат қилади. Шу сабабли таълим муассасаларида мунтазам адабий муҳокама клублари ташкил этиш, тақиқли ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда талабаларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мувофиқ.

Илмий ва профессионал ривожланишда муваффақиятли инсонлар тажрибаси билан танишиш ҳам талабалар учун жуда фойдали. Шу сабабли дунёнинг университетларида машҳур олимлар, тадбиркорлар ва инноваторлар иштирокида семинарлар ўтказилади. Бундай тадбирлар орқали талабалар муваффақият сирлари ва касбий ўсиш йўллариини ўрганиди, ҳаётий тажриба орттириш ва қийинчиликларни енгиш бўйича сабақлар олади. Таълим муассасаларида етакчи олимлар, тадбиркорлар ва жамоат арбоблари билан муваффақият сирлари мавзусида семинарлар ташкил қилиш, ТЕДХ форматидеги маърузаларни олинишларга жорий этиш ва ёш етакчиларни рағбатлантириш талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилишда жуда фойдали.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ “СУЮҚ ДАРАХТ”



Ҳали эшитмадим, десангиз, ажабланмаймиз. Ҳатто унча тасаввурингизга сиғдиролмаётганингиз ҳам табиий. Чунки Қорақалпоғистонда синба кўриляпти. Биринчи “суюқ дароҳт” ақли қуёш ўриндиқлари билан бирга янги қиёфадаги бекатлар пайдо бўлишига умид уйғотмоқда.

Ҳўш, “суюқ дароҳт” нима ўзи? У қандай кўринишда? Шунанқаси ҳам бўлади-ми? Машҳур фильмда айтилганидек бу тиниб-тинчиманган одамлар нималарни ўйлаб топмайди-я! Майли-да, шунга эҳтиёж бордирки, бунинг устида бош қотиришаётган-дир деймиш, унинг аҳамияти ҳақида билгач, бу ихтирони ўзимиз ҳам қўллаб-қувватлаймиш. Зеро, аквариумга ўхшаш шифофидиш, яъни капсула ичига жойлаштирилган суяқлиқча яшовчи микро сувўтлар карбонат

ангидридни ютиб, кислород ишлаб чиқаради. Бу билан улар табиий дароҳт вазифасини бажаришга ҳаракат қилади. Тўғри, “суюқ дароҳт” табиий дароҳт каби узоқ умр кўрмайди. Шунингдек, жонли дароҳтзорлар руҳини боса олмайди. Бирок аҳолиси кўп ва худуди тур шаҳарлар учун ажайиб экологик ечим. Чунки у ҳавони жуда тез тазолайди. Доимий техник хизмат ва парварши талаб қилиши баробарида 10 та дароҳт етказиб берадиган кислородни ишлаб чиқаради. Қисқаси,

“суюқ дароҳт” атроф-муҳитни ҳимоя қилишда фойдаланиш кўзда тутилаётган замонавий ёндашуви.

Ривожланган давлатларда шунга ўхшаш технологиядан аллақачондан бери фойдаланилади. Аксариятимиз интернет орқали Сербияда бу инновацион ёндашуви анча кенг қўлланиши биланми. Мамлакат пойтахти Белград шаҳри марказидаги “суюқ дароҳт” — муниципалитет биноси қаршисига ўрнатилган қурилма сув, сувўтлар ва уларнинг яшилган учун



шароит яратадиган тизимдан иборат. У шаҳар ҳавосини зарарли газлардан тазолаб, кислород чиқаради. Қурилма дизайни пухта ўйлангани билан эътиборни тортади. Бирок Сербия каби давлатлар фойдаланаётган сувўтлар бизнинг иқлимга мос келмайди. Шунинг учун Нукусда қуёш энергияси ёрдамида ишлаб чиқилган фотобиореактор ичидаги микроўтлар Орол денгизи тубидаги сувўтлар ДНКсидан олиниди. Бундай микро сувўтлар ифлос сувни тазолаб, яроқли — икклимачи сувга айлантиради. Яна

бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, улар шўр сув таркибидеги тузун ҳам йўқ қила олади.

Лойиҳачилардан бири, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси Мақсуд Турсунбоевнинг айтишича, бир хужайрали сувўтларни етиштириш лойиҳаси асосан, ҳалорелла сув ўсимлиги ёрдамида ҳаводаги карбонат ангидридни ўзига ютиб, кислород чиқариш имконини яратади. Нукус ёшлар технопарки аъзолари кашфиёти — мақсуд ишса идишда оддий яшил сувдек кўринадиган суяқлиқ ичиде микро сувўтлар яшайди. Бу оддий рангли сув-ку, дейдиганлар унинг таркибиде чиндан ҳам кислород борлигини мақсуд текширув ускунаси ёрдамида аниқлаш мумкин.

Технопарк аъзолари Қорақалпоғистон иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, худудида яшил зоналарни кўпайтиришга киришган. Технопарк алоҳида ўқув дастури жорий этилган бўлиб, унда ёшларнинг инновацион гоғларини лойиҳа даражасига етказишга кўмак берилади. Мақсуд ҳам айни дастурни тамомлаб, ўзининг гоғсини лойиҳага айлантиришга муваффақ бўлди. Лойиҳа эса Инновацион ривожланиш агентлиги ва унинг хузуридаги Ёшлар академияси томонидан ёшларнинг инновацион гоғларини ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган “Бўлажак олим” танловида гоғбилликка муносиб деб топилди.

— Бу орқали атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга ҳисса қўйишни мақсад қилганимиз, — дейди Мақсуд Турсунбоев, — Интернетда ушбу ихтирони кўриб, уни

Ўзбекистон, айниқса, Қорақалпоғистон шароитига мослаштириш кераклиги ҳақида ўйлайди. Бунинг учун кўп изландим, ўқиб-ўргандим. Бирок илк намуна бўлгани учун қатор хатоликларга йўл қўйилди. Бу эса ўз-ўзидан харажатнинг ортиб кетишига олиб келди. Насиб қилса, кейинги қурилмаларимизда маблағ сарфи анча кам бўлади. Чунки энди қандай ишлашни яхши биламиз. Зеро, бу лойиҳани янада тақомиллаштириб, бутун мамлакатда жорий қилишни режалаштиришимиз. Чунки ақли руҳиндиқлар экология соғлиғига ҳисса қўйишдан ташқари, одамларга ўз қурилмаларини қувватлаш имконини ҳам беради.

Ақли қуёш ўриндиқлари қуёш энергияси асосида 24 соат узлуксиз ишлагани боис, мобил алоқа қурилмаларини симсиз қувватлайди. Уларни жамоат жойлари, кўнгличор масканлар ва таълим муассасалари ҳудудларида жойлаштириш режалаштирилган.

Олдинда жазирма кунлар турибди. Кейинги пайтларда глобал исини, ҳавонинг ифлосланиши мавжуд экологик муаммолар кўламини кенгайтирипти. Бутун дунё бўлажак хатарларнинг олдини олиш устида бош қотирипти. Ана шундай шароитда инновацион технологиялар ёрдамида экологияни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳалар ёрдамга келади. Тажрибадан ўтаётган “суюқ дароҳт”лар ҳам бу борада қутилган самаралорик беради, деган умиддамиз.

Раушан МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

(“Сўз латофати” китобидан)

Шарқнинг буюк шоири Ҳофиз Шерозийнинг дунёга доврғи кетган ноҳид газалини биласиз, ёл олгансиз, севиб такрорлайсиз. Газал бундай байт билан бошланади:

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш баҳишам Самарқанду Бухоро.
Шоир Хуршид маромига етказиб уни ўзбек тилига таржима қилган.
Агар кўнглими шод этса, ўшал Шероз жонони, Қаро холига баҳиш этгум Самарқанду Бухорони.

Рус тилида бу байт шундай жаранглаган: *О, если та шираская турчанка захочет сердцем моим обладать, Я не попустилю за родуку на щечке Ей Самарканд и Бухору отдасть.*

Бу гўзал байтда турки шерозий ёки Шероз жонони ва ё шираская турчанка дея ким тасвир этилган? Бунда не мажоз борки, қарийб етти юз йил ўтса ҳам унутилмайди, бизни ҳайратга солади. Нега Рум гўзали эмас, Чин париси эмас, айнан турк жонони учун шоир дунёнинг энг гўзал икки шахрини бағишлади? Бунда не ҳикмат бор? Туркнинг бошқалардан айрича белгиси нима?

Бу саволга жавоб излаб “Девону луготит турк”ни варақлаймиз:

ТУРК — Тангри ярақагур Нух ўғлининг оти. Бу от Нух ўғли Турк авлодларига Тангри берган номидир.

Улуғ тангри айтади: “Менинг бир тонфа аскарим бор. Уларни Турк деб атадим. Уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор қалқан газаблансам, туркларни уларга қарши йўлайман”.

Бу нарса уларнинг (туркларнинг) бошқаларга нисбатан фазилатли эканини кўрсатади. Ҳатто Тангри уларга ўзи от қўйган, исм берган. Уларни энг баланд ерларга, хушхаво жойларга ўрнатган ва ўзининг ботирларидан санаган. Туркларда кўрамлик, ёқимлилик, одоблик, сўзининг устидан чиқшилик, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор хулқлар сонун саноксиз...

Ушбу иқтибос “Девон...”нинг ўзбекча таржимасидан айнан кўчирилди. Ўзгариб бериб, туркларнинг фазилатлари саналганда, биринчи навбатда, кўрамлик айтилган.

66

Турк атамасининг яна бир мазмуни бор. Барча эски луғатларда бу халқ номи экани билан бир қаторда жангариллик, жанговарлик, аскарлик маънолари ҳам айрилган. Турк ёнида турктоз, турки торож, турки яғмо, турки фалак, турки хито, туркизарб, турки хижоз, туркона аёғ, туркона соз, туркигўй сингари сўзлар келади ва уларнинг ҳар бирида халқ тарихи, хос белгилари яшириндир.

Дарҳақиқат, тарихга оид рисолаларда туркларнинг адил қомати, хуш сувартали инсонлар экани ёзилди. Айниқса, шериятда турк сўзи гўзаллик тинимсоғи айланган. Ҳофиз байтида ҳам турки шерозий Шероз гўзали маъносидан келган. Шоир Хуршид байт моҳиятини чуқур англаб, Шероз жонони дея аслиятта мос сўзни топа билган.

Турк атамасининг яна бир мазмуни бор. Барча эски луғатларда бу халқ номи экани билан бир қаторда жангариллик, жанговарлик, аскарлик маънолари ҳам айрилган. Турк ёнида турктоз, турки торож, турки яғмо, турки фалак, турки хито, туркизарб, турки хижоз, туркона аёғ, туркона соз, туркигўй сингари сўзлар келади ва уларнинг ҳар бирида халқ тарихи, хос белгилари яшириндир.

Сиз турктознинг отлик аскар эканини, турки торож, турки яғмонинг жангу жадал маъносини биласиз. Турки фалак — Мирриси сайёраси (Марс) демандир. Қадимий юнонлар жанг, қирғин тангрисини Марс деганлар ва Мирриси сайёрасининг қизил рангадан қон белгисини кўриб, уни ҳам Марс атаганлар. Шарқда туркнинг жанговарлиги шу даражада машҳур бўлибдики, Мирриси ҳам турки фалак дея атабдилар. Бу халқнинг кўрам чехраси, юзиди нур тилларда дoston бўлибдики, қуёшни турки хито,



яни Хитойдан, Шарқдан кўтарилган турк дебдилар. Туркнинг ҳусни, баҳоқирлиги, шаҳарлар устига от солиб келиши шеърий мажозга айланбди. Шоирлар машҳуранинг гўзаллигини ҳам, юракни забт этишини ҳам, ошиқ жонига офатлигини ҳам турки яғмо сўзи билан ифодалайдиган бўдилар.

Ҳофизнинг ўша машҳур газалида бундай байт бор:

Физон к-он лўлиёни шўхи ширинкори шахрошуб Чунон бурданод сабр аз дил-ки, туркон хони яяморо.

Бу байт маъносини таржимон шоир соддагина қилиб ўзбекчага бундай ўтирган:

Шу алдоқчи, қизқичи, фитнагар шўхлар қўлидан дод, Кўнгулдан элтдилар сабрим, қилиб туркларча ямонни.

Алдоқчи, қизқичи деган сўзлар сизга жуда жўн, мумтоз шеърят услубидан йироқ

туюлиши мумкин. Балки байтдаги форсий сўзларнинг ҳаммаси ўзбек мумтоз адабиётида бор-ку, нега Ҳофиз сўзлари таржиманда айнан қолдирилмаган, дерсиз. Гап шундаки, халқимиз эски ўзбек тилини унутиб қўйган, буюк шоир ишора қилган тинимсоғларни англашдан йироқ эди. Ҳозир ҳам шундай. Лўлиё, ширинкор, шахрошуб сўзларини замонавий луғатлардан тополмайди. Шу боис, шоир Хуршид байтини жўнгина, бизга тушунарли қилиб ўтирган.

Фақат турклар эмас, бошқа бир неча халқлар ҳам ўзининг хос белгилари билан тинимсоғга айланган. Ўзбекининг тўғрилиги ва содаллиги, лўлининг шўхлиги ва алдоқчилиги, ҳиндунинг нозу қарашмаси, қорачал белгилари ташбеҳларга сингиб кетган. Ҳофизнинг ушбу газалида ҳинду ҳам — ба холи ҳиндуяш баҳишам, турк ҳам — турки яғмон, турки шерозий, лўли ҳам — лўлиёни шўх — бор. Уларнинг ҳар бири катта меҳр билан тилга олинган. Дунё билган, таниган халқлар, шуҳрат топган жой номларининг тизилиб келгани — Самарқанду Бухоро, Рукнободу Мусалло — дилбар самиятга, юксак маҳорат билан омикта бўлиб, газалининг жаҳоншумул доврғини таъминлаган.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Халқаро фестивалъ

Ўзликни топиш йўли: Алпомишдан Ҳомергача

Бошланғи 1-бетда

Эпик ижодкор — бахши образи ҳам ана шундай масалалардан. Зеро, бахшилар миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, авлодларга етказиб, миллий маданият, тарих ва философия беназир улуш қўшаётган улкан ижодкорлардир. “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Манас”, “Дада Кўрқут китоби” каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос қолган. Уларни мутахассислар атрофича ўрганмоқда. Бироқ улардаги эпик ижодкор образи етарлича тадқиқ этилмаган.

Кўплаб эпик асарларга сочилик кетган Кўрқут ота, Соқибулбул, Ошиқ Ғариб, Ошиқ Албанд, Ошиқ Маҳмуд каби образларини қиёсий таҳлил этсак, улар халқнинг бахши, ўзон, ошиқлар ҳақидаги қадим тасаввур ва эътиқоднинг синтези сифатида пайдо бўлганлиги, бахшичиликнинг култ даражасига кўтарилганини кўрамиз. Қолаверса, ҳозирча тадқиқотчилар эътиборидан четда бўлган, бироқ фольклоримизда муҳим аҳамиятга эга “Оллоназар Олчинбек”, “Кўр Ғойиб” каби бахши, ижодкор образи асосий ўринда турадиган асарлар борлиги ушбу мавзунини янада чуқур ўрганишни талаб этади.

Устоз фольклоршунослар Ҳоди Зарипов ҳамда Тўра Мирзаев бахшиларнинг икки тонфага — ижодкор, яъни бадиҳагўй ҳамда ижрочи бахшиларга ажратади. Бу дунё эпосида бор. Масалан, юнонларда азв ва рапсод, хиндларда вясу ва валкинкага бўлинади. “Одиссея”да Демидок ва Фемия образларига дуч келамиз. Улар ҳам етакчи, ҳам эпизодик кўринишда иштирок этади. Фемия Итака бахшиси бўлиб, Одиссей сафарга кетганида Пенелопага уйланиш учун келган даввогарларга қўшиқ куйлаб беради. Унинг асардаги иштирокини эпизодик кўриниш сифатида баҳолаш мумкин. Демодок эса “Одиссея” қаҳрамонларидан бири ва айни пайтда бахши. Достонда у уч ўринда ўз санъатини намойиш этади ва етакчи образлардан бири сифатида кўринади.

“Одиссея”нинг саккизинчи қўшиғида шохнинг фармони билан Демодок даврага чорланади. Бахши уларга Одиссейнинг бошидан ўтганларини дoston қилиб куйлаб беради. Муҳим жиҳати, Демодок ижро этган дostonни Одиссейнинг ўзи ҳам эшитиши. Унинг қайғули ҳикояси, яна ҳам тўғрироғи, ижроси даврадагиларнинг барчасини йинглайди. “Одиссея”даги бу каби лавҳалар Демодокнинг шунчаки ижрочи эмас, ижодкор бахши эканидан далолат.

“Дада Кўрқут китоби”, “Оллоназар Олчинбек” дostonи, “Ошиқ...” туркумида бахши етакчи образ сифатида гавдаланади. “Дада Кўрқут китоби” муқаддимаси “Расул алайҳиссалом замонида яқин баёт уруғидан Кўрқут ота деган бир эр элга танилди. Ул киши ўғзунинг дostonида эди. Айтгани ижобат бўларди. Ғойибдан турли хабарлар беради. Ҳақ таоло унинг кўнглига илҳом соларди.

Кўрқут ота ўғуз қавмининг мушкулани ҳал этади. Ҳар не иш бўлса, Кўрқут отадан маслаҳат олмагунча амалга оширилмасди. Ниманики бунорса, қабул қилардилар, сўзига амал қилиб, айтганини ўрнига келтиришарди”, деб бошланади. Муқаддимасида Кўрқут ота ҳаёти ислом тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилса-да, қуйма фикр, мақол ўрнида келган сатрларда Кўрқут ота билан боғлиқ катлам жуда қадимий экани сезилади.

Бу муқаддимадан қуйдагиларни аниқлаш мумкин. Кўрқут ота баёт, яъни ўғуз уруғларининг биридир. У ўз элида, яъни ўғузлар ичида эр бўлиб элга танилган. Бутун эл, ўғуз халқининг катта дostonидади. Дostonидади бўлганда ҳам оддий дostonидади эмас, у эр бўлиб танилган дostonидади, бунинг устига баёнотдир. Бу хислатлар унга бекорга берилмаган. Чунки у эпик ижодкор, яъни бахши.

“Дада Кўрқут китоби” муқаддимасида учта образ — Кўрқут ота, бахши ва муаллиф иштирок этаётганини кўрамиз. Муқаддима шу уч киши тилидан ҳикоя қилинади. Одатда фольклор намуналарида муаллиф



Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи
директори, филология фанлари
доктори, профессор

бўлиши мумкин эмас. Бироқ “Дада Кўрқут китоби” ёзма ҳолатда етиб келган. Шунинг учун асарда муаллифга тегишли матнларни илгаш мумкин. Фақат бу кўринмас муаллиф бахшилардан қолган ўғитларни такрорлаётгани, ўрни-ўрни билан Кўрқут ота ва бахшилар сўзини айнан келтиришига гувоҳ бўламиз. Бундай ҳолатни бошқа дostonларда ҳам учратамиш. Яъни ўзидан олдинги бахшилар



ижро этган матни бошқа бахши ўз ижросида тингловчига етказишда устозларнинг номи тилга олинади.

Муқаддимасида “Дада Кўрқут келибоқ дoston куйлади, бу “Ўғузнома”ни тўзди, қўши, шундай деди” жумласи эпик аънада давомийлигини, ўз даврида машҳур бўлган, дoston куйлаган Кўрқут отадан қолган ижрочилик санъати, дoston куйлаш аънааси кейинги авлодга ҳам давом этганини аниқлатади. Бошқача айтганда, Кўрқут отадан қолган устоз-шоғирдик давом этапти. Ундан келаётган қутлуғ сўз жонли ижрода бошқа бахшилар томонидан тингловчига етказилиши ва айни пайтда кўз ўнгимизда бахши образини гавдалантиради.

“Дада Кўрқут китоби”нинг ҳар бир ҳикоясида Кўрқут ота асосий образ сифатида гавдаланади. Уруғбоши, йўлбоши ва эпик ижодкор бўлган Кўрқут ота ҳақидаги мифология тасаввурлар бир тушунчани — бахши ва шомон аслида бир синкретик образнинг турли даврдаги турлича кўриниши эканини ишбатлайди.

Бундай эвристиклар халқнинг тарихи, қаҳрамонлик ўтмиши ва маънавийти сарчамаси бўлган эпик онг тараққиғида муҳим ўрин тутган. Эпосдаги магик жиҳатлар аста сўниб, шомон, табиб, бахши, йўлбоши функциялари бир-биридан тобора фарқлана бошган. Демак, у миллиятнинг йўлбошиси, дostonидади, қаҳрамони. Лекин биринчи галда патриарх шомон қиёфасини ўзида мужассам этган улкан эпик ижодкордир. Унинг қароматқўйлиги, ғойибдан сирлар сўйлашига ҳам бахшичиликки сабаб.

“Дада Кўрқут китоби”даги “Дада Кўрқут тилидан ўзон айтар” жумласи бир томондан

мазкур ёдрорлик эпик аънада намунаси эканини ургўлайдиган жиҳат бўлса, иккинчи томондан эпосда Кўрқут отани ўзига пир ва устоз деб билган бошқа бахшилар образини ҳам кўз олдимизда гавдалантиради.

“Оллоназар Олчинбек” номли ўзбек халқ дostonи марказида халқ бахшиси образи тургани учун унда бошқа бахшиларнинг ҳам образи бор. Улар бош қаҳрамонни тўлиқ, мукамал тасвирлашга, дostonнинг асосий ғоясини ифодалаш, воқеалар ривожини таъминлаб, дoston сюжетини шакллантиришга хизмат қилади.

Ушбу дoston бош қаҳрамони Оллоназар аънагага кўра, эпик ижодкорлиқнинг тарихий йўлини босиб ўтган образ. Шу сабаб туркий халқлар фольклоридидаги эпик бахшилар талқинисиз бу образ моҳиятини тўла тушуниш қийин.

Хоразм дostonчилик аънааси етук намунаси бўлган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да қаҳрамон ошиқ — бахшининг ўзи. Унинг бутун жасорати бахши салохияти орқали намойён бўлади. Аслида, “Ошиқ...” туркумидаги дostonлар ҳам ишқий романтик мавзуда. Ҳар икки туркумдаги дostonларда қаҳрамоннинг ёри учун кураши ҳақида сўз боради.

“Гўрўгли” туркумидаги дostonларда соқий, бахши кўпинча асосий қаҳрамоннинг яқин йўлдоши, кўмакчиси бўлиб гавдаланади. Бироқ Гўрўгли ўзи билан боғлиқ туркумда бош қаҳрамон худди “Алпомиш” дostonидаги каби эпизодик кўринишларда намойён бўлса-да, унинг айнан ижрочи, яъни бахши қиёфасида гавдаланишини кўришимиз мумкин. Шунинг учун Гўрўгли,

билан ўлан айтишгагина мақсад ойдинлашди. Яъни етти йиллик зиндонбандликдан сўнг қаҳрамоннинг бошқа бир мақоматга кўтарилгани, унинг юртга эгалик қила оладиган, сўзга чечан бахши, эл дostonидади даражасига етгани исботланади. Шунинг учун то ўлан айтишмагунча унинг қиёфаси очилмайди. Айтишувда Алпомиш ғойиб бўлади. Буни Барчин ҳам тан олади. Ўлан айтишув саҳнасининг дoston якунидан ўрин олиши сабаби шунда.

“Алпомиш” дostonидаги мазкур парчани “Дада Кўрқут китоби”даги Бамси Байрак ҳамда Ҳомернинг “Одиссея” дostonи билан солиштирганда моҳияти янада теран очилади. Бамси Байрак худди Алпомиш каби зиндонбандлик, яъни рамзий маънодаги ўлиб тирилишдан сўнг ўзон қиёфасида ёрининг тўйи устига бориб қолади ва у ерда ўз санъати, ижрочилик маҳоратини намойиш этади.

“Одиссея”да Одиссей ўзи ёрининг тўйи устига келгач, уни аслида, хизматкорлари ҳам, ўғли ҳам, саройдагилар ҳам таниб туради. Ҳатто қаҳрамон Пенелопага уйланиш учун келган сохта хушторларни камонидан ўқ узиб ўлдирганда ҳам.

Дostonнинг якуний қисмларидан бири — йигирма учинчи қўшиғида Евриклея Пенелопа эрининг узоқ сафардан қайтиб келгани хабарини беради. Бироқ Пенелопа бу хабардан қувонмайди, Одиссейни тан олгиси келмайди. Ўғли Телемах ҳам онасига отаси қайтиб келганини ўқирмоқчи бўлади. Бироқ Пенелопа унинг ўтинчларини ҳам инобатга олмади. Токи ётоқдаги ўзларига маълум бўлган сир ҳақида Одиссей билан тонгача айтишув қилмагунча. Одиссей Пенелопага ўзларининг тарихини айтиб, яъни ижро қилиб бериши, бошқача айтганда бўлсак, Одиссей ҳам Пенелопа билан айтишувда ўзининг чечанлик қобилиятини намойиш эта олиши ва Пенелопа бунинг тан олиши шарт эди.

Алпомиш, Бамси Байрак, Одиссейнинг ўзга қиёфага кириб, ўз уйига қайтиши ва айтишувда ёрини енгиши қаҳрамонлар ҳаётида янги босқич, янги бир мақомат, янги ҳаёт бошланишидан дарак бериб, эпик ижрочи иштирок этган бундай парчалар дунё эпосидаги ўхшаш тасаввур ва қарашларнинг турли матндаги бадиий талқини эканини ургўлайди.

Бахши образи дунё эпосида хос муштарак ҳодиса бўлиб, эпик асарларда муҳим ўрин тутди. Мазкур образнинг илдизи сўз маъияси билан боғлиқ тасаввурлар ҳосиласи

“Алпомиш” дostonидаги мазкур парчани “Дада Кўрқут китоби”даги Бамси Байрак ҳамда Ҳомернинг “Одиссея” дostonи билан солиштирганда моҳияти янада теран очилади. Бамси Байрак худди Алпомиш каби зиндонбандлик, яъни рамзий маънодаги ўлиб тирилишдан сўнг ўзон қиёфасида ёрининг тўйи устига бориб қолади ва у ерда ўз санъати, ижрочилик маҳоратини намойиш этади.

Алпомиш, Бамси Байрак каби образлар бир мезонда туриб тадқиқ этишни талаб қилади.

Алпомиш етти йиллик бандликдан сўнг Култой қиёфасида ёри Барчиннинг тўйи устига кириб боради. Алпомишнинг бу қиёфа алмаштириши замирида қандай мифология тасаввур ётганини қатор мақолаларда тадқиқ этганимиз. Бу ўринда Алпомишнинг айнан Култой қиёфасига кириши ва тўйдан олдин Бодомбичка билан, сўнг Барчин билан ўлан айтишувни қизиктиради.

Аслида, “Култой”ни ҳамма танийди, даврага оралаган Алпомиш эканини билди, бироқ сир очилмайди. Бодомбичкадан сўнг Култой қиёфасидаги Алпомишнинг Барчин

ва унинг ўзига қадимий маросимларга бориб туттади.

Эпик ижодкор образининг иштирокига қараб баён этилаётган асар қайси конунят асосида яратилгани, ҳатто кейинчалик ёзувга кўчирилган намуналарда ҳам унинг қандай аъналар асосида тараққиёт босқичларини бошдан кечирганини аниқлаш имконини беради.

Дунё эпосидаги бундай образнинг қиёсий ўрганилиши миллий маънавиятимиз дурдоналари ҳисобланган дostonларнинг юзга келиш тарихи, тараққиёт босқичлари, жаҳон бадиий сўз санъатида тутган ўрнини белгилаб беради.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов
Мусахҳиш: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 22:00 Тошхирди — 23:30